VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

44 (476) ● 2017 йил 25 октябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Таҳририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари!

Кеча Европа тикланиш ва тараққиёт банки Директорлар кенгаши Ўзбекистон учун илк икки лойиҳани бир овоздан тасдиқлаганини Сизга маълум қилишдан ғоятда мамнунман. Бу Ўзбекистон ва ЕТТБ ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичида муҳим воқеа бўлди. Дарҳақиқат, жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида Сиз билан бўлиб ўтган учрашув ва Ўзбекистон ҳукумати билан Англашув меморандуми имзоланганидан сўнг банкимиз вакиллари тезкорлик билан қатор сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқишга муваффақ бўлгани мени қувонтиради. Ишончим комилки, бу ЕТТБнинг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорликдан манфаатдор экани ва банкимиз Сизнинг ташаббусингиз билан амалга оширилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар дастурини қўллаб-қувватлашининг ишончли тасдиғидир.

Юқорида зикр этилган икки лойиҳа кичик ва ўрта бизнес, савдони молиялаштиришни қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистон Миллий банкига ажратиладиган 100 миллион доллар қийматидаги кредит линияси, шунингдек, мева шарбати ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Агромир" хусусий компаниясига ажратиладиган 10 миллион долларлик заёмдан иборатдир. Ҳар икки лойиҳа Сиз ва ҳукуматингиз билан келишилган устувор йўналишларга тўла мос келади. Ушбу лойиҳалар банк тармоғи, кичик ва ўрта тадбиркорлик, агробизнесни мустаҳкамлаш орқали мамлакат иқтисодий тараққиётига салмоқли ҳисса қўшади. Ҳозирги вақтда мутахассисларимиз молия, қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларида, шунингдек, жойлардаги инфратузилмани ривожлантириш бўйича кўплаб қўшимча сармоявий лойиҳалар ишлаб чиқмоқда. Биз "Кичик бизнес учун маслаҳатлар" дастурини ҳам ишга туширдик. Ушбу дастур доирасида биринчи лойиҳалар бошлаб юборилган. Бундан ташқари, мамлакатингиз билан Ҳамкорлик стратегиясининг дастлабки ишланмаларини якунлаш арафасидамиз. Стратегия бўйича делегациямиз ЕТТБнинг Ўзбекистондаги узоқ истиқболга мўлжалланган фаолиятининг устувор йўналишларини келишиб олиш учун келаси йил бошида ҳукуматингиз вакиллари билан учрашишига умид қиламиз.

Мамлакатингизда амалга оширилаётган ислоҳотларни тўла қўллаб-қувватлашимизни яна бир бор билдиришни истардим. Бу ЕТТБ биринчи вице-президенти Фил Беннетт ва тавваккалчиликлар бўйича вице-президент Бетси Нельсоннинг ноябрь ойи бошида Тошкентга бўлажак ташрифи давомида ҳам ўз ифодасини топади. Ушбу ташриф доирасида вакилларимиз ЕТТБнинг Тошкентдаги ваколатхонасини расмий равишда очади, ҳукуматингиз вакиллари билан қатор учрашувлар ўтказади, шунингдек, 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган Марказий Осиёда хавфсизлик ва изчил тараққиёт масалалари бўйича олий даражадаги халқаро конференцияда иштирок этади.

Сўзим охирида Сизнинг раҳнамолигингизда Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлигимиз ривожланаётгани учун чуқур миннатдорлик изҳор қиламан. Ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлаш мақсадида келаси йил Ўзбекистонга боришга умид қиламан.

Саммият билан,
Сума ЧАКРАБАРТИ,
Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти

Фракция фаолияти

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИ РИВОЖИДА ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

Мамлакатимизда маданият ва санъат соҳасини изчил ривожлантириш замирида дунёга янгича, теран нигоҳ билан назар ташлайдиган, мустақил фикрга эга авлодни камол топтириш мақсади мужассам. Ватанимизнинг бой тарихини асл ҳолича ва холисона ўрганиш, буюк аждодларимизнинг ҳаёти, илмий фаолиятини, маънавий меросини чуқур тадқиқ этиш, маданий меросимиз, ўзига хос анъана ва қадриятларимиз, санъатнинг турли йўналишларини пухта ўрганишга доир саъй-ҳаракатлар халқ маънавиятини юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 16 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори мазкур соҳаларни янада равнақ топтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қарор Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг маънавий-маърифий соҳадаги вазифалари билан уйғун ва ҳамоҳанг эканлиги партия вакилларига ҳам катта масъулият юклайди.

Партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциясининг навбатдаги йиғилишида мазкур қарор ижроси юзасидан партия фаоллари ва фракция аъзоларининг олдида турган муҳим вазифалар муҳокама қилинди.

Йиғилишни ЎзМТДП фракция раҳбари Сарвар Отамуратов бошқарди.

— Мамлакатимизда ижод аҳлининг эркин ва самарали фаолият кўрсатиши, айниқса, ёш истеъдодларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг қобилиятини тўғри йўналтириб боришга доимий эътибор қаратилмоқда, — деди С.Отамуратов. — Бугунги глобаллашув даврида маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, хусусан, навқирон авлодни санъатга ошно этиш уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашда долзарб аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбарининг "Маданият вазирлиги ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади. Қарорда маданият ва санъат соҳасидаги бошқарув тизимида давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон маданият вазирлиги ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлган Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ташкил этиш кўзда тутилган, ушбу жамғарманинг асосий вазифалари белгилаб берилган.

4-бет

21 октябрь — "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган кун

МИЛЛАТНИНГ АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ТИМСОЛИ

Тил — миллат кўзгуси, инсон ўзлигини идрок этишининг асоси, ўзаро муомала ва алоқа воситаси.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 28 йил тўлди. Туғилган чақалоқ бир-икки ёшда тили чиқишини инобатга олсак, ўз она тилида эмин-эркин гаплашиб, она тилида таълим олаётган, уч-тўрт тилда бемалол сўзлаша биладиган мустақиллик фарзандлари қиёфасида тилимиз балоғатга етганини англаш мумкин. Неча йиллар мобайнида эътиборсиз қолган тилга давлат тили мақоми берилиб, унинг муомалага, халқимизга қайтиши қонун билан тасдиқлаб қўйилди.

Ўзбек тили — дунёни лол қилган дурдона асарлар яратилган ноёб тил. "Девону луғотит турк", "Қутадғу билик", "Ҳибатул ҳақойиқ", "Қисас ул- анбиё", "Хамса", "Бобурнома", Лутфий, Атойи, Саккоки ғазалиёти, "Алпомиш", "Гўрўғли", "Ўғузнома" каби халқ достонлари...

Олис ва яқин тарихимизда яратилган ушбу шоҳ асарларимиз, тил ёдгорликларимизни ўқиган борки, улардаги чуқур маъно, сўз оҳангларидан олам жаҳон завқ олади.

Бундай нодир асарларни асл ҳолида ўқиш инсон тафаккури, бадиий диди ва эстетикасини бойитади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамкорлигида



ташкил этилган "Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари" мавзуидаги илмий анжуманда шу ҳақда сўз борди.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилини асраб-авайлаш, бойитиш, ривожлантириш ва нуфузини юксалтириш йўлида амалга оширилган улкан ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов маъруза қилди.

4-бет

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

КЕНГ МУҲОКАМА ВА ҲАЁТИЙ ТАКЛИФЛАР

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ҳар бир инсон теварак-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ижобий ёки салбий муносабат билдириши табиий. Аммо ўзи гувоҳ бўлиб турган бирор муаммо ёхуд қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракати эса унинг шунчаки муносабати эмас, балки жамоатчилик назорати сифатида катта-кичик масалаларни ҳал қилишга кўшган ҳиссасидир. Фуқароларнинг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки ана шу тарзда таъминланади.

Ўз олдига кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришни асосий мақсад қилиб қўйган мамлакатимизда жамоатчилик назоратини такомиллаштириш, уни амалга оширишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. 2014 йилда Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга мувофиқ жамоатчилик назорати институти конституциявий мақомга эга бўлди. Бу борада ишлаб чиқилган "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатилишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этиши борасидаги муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади.

2-бет

Сайёр қабул

МУРОЖААТЛАРГА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг барча даражадаги ташкилотлари ўз фаолиятини, энг аввало, халқ билан доимий мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишлари, орзу-ниятлари, ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ўрганишга қаратмоқда. Шу кунга қадар партия ташкилотлари ташкил этаётган сайёр қабулларда фуқаролар мурожаатларининг кўпчилиги жойида ижобий ҳал этилган бўлса, қўшимча ўрганиш ва вақт талаб қиладиганлари юзасидан депутатлар тегишли ташкилотларнинг мутасадди раҳбарларига депутатлик сўрови юбормоқда.

Жумладан, ЎзМТДП Сирдарё вилоят ташкилотлари, энг аввало, халқ билан доимий мулоқот қилиш, уларнинг ташвишлари, муаммо ва эҳтиёжларидан хабардор бўлишга, ҳар бир мурожаатни чуқур ўрганиб, ўз вақтида бартараф этишга интилмоқда.

Сайхунобод туманида Паймард маҳалласида бўлиб ўтган сайёр қабулда 16-умумтаълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Шермуҳаммад Ярлақабов маҳалладаги ичимлик суви тоза эмаслиги, қувурлар чиригани, лойқа ва ифлос сувлар унга сизиб кираётгани оқибатида ўтган йили маҳалладан 62 бола гепатитнинг ҳар хил турига чалинганини билдирди. Фуқаро ушбу ҳолат сабабларини ўрганиш ва бу каби ҳолат қайта такрорланишининг олдини олиш мақсадида туман санитария ва эпедимиология маркази ходимлари ичимлик суви таҳлилини ўтказиш, яроқсиз ҳолга келиб қолган қувурларни алмаштиришда ёрдам кўрсатилишини сўради.

Мазкур мурожаат асосида халқ депутатлари вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Аброр Йўлдошев Сирдарё вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори Ж.Ҳасановга депутатлик сўрови юборди. Мутахассислар ушбу депутатлик сўрови асосида "Паймард" маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисининг ичимлик суви ва ҳудудда гепатит касаллигининг кўпайиши билан боғлиқ муаммоларни ўрганди.

4-бет

Диққат, эълон!

МУШТАРИЙЛАРНИ ОЧИҚ МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙМИЗ!

Маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, миллий ўзликни англаш, юртдошларимизда миллий ғурур ва қадр-қиммат туйғуларининг мустаҳкам қарор топиши масалаларига катта эътиборт қаратилмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Дастуридаги маънавият, маданият соҳасида белгиланган мақсад-вазифалар ижросини таъминлаш, соҳани янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар йиғиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида газетхонлар, соҳага қизиқувчи юртдошларимиз, чет эллик сайёҳлар ва кенг жамоатчилик вакилларини очиқ мулоқотга чорлаймиз.

Ҳурматли газетхонлар, соҳани янада ривожлантиришга қаратилган таклиф-мулоҳазалар, маданият ва санъат бўйича ўзингизни қизиқтираётган ва қийнаётган саволлар билан бизга мурожаат қилишингиз мумкин. Саволларингизга Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг масъул ходимлари, соҳа мутахассислари, ЎзМТДПдан вакиллик органларига сайланган депутатлар жавоб беради.

Мурожаат учун: (871) 234-87-73, 234-86-41
Электрон мурожаат учун: mtiklanish@mail.ru


Ушбу сонда:

НАЗОКАТНИНГ КУЧЛИ ҚЎЛЛАРИ



6-бет

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИГА ЮЗМА-ЮЗ КЕЛИБ...



3-бет

УЗУНДАРА — ҚИММАТЛИ ТАРИХИЙ МАНБА



8-бет

24 ДЕКАБРЬ — ТОШКЕНТ ШАҲАР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ КУНИ

Фракция позицияси

Шу йилнинг 19 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Муҳокама қилинган қонун лойиҳалари юзасидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ўз муносабатларини билдирдилар.

ЯНГИ МЕЪЁРЛАР ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР

СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИ РИВОЖИГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ



Акмал РАҲМОНОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларни изчил давом эттиришга қаратилган ҳужжатлардан бири — "Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасида судлар ишининг замонавий инновацион услублари, суд мажлисини аудио ва видео тарзида қайд этиш назарда тутилган, судга мурожаат этиш шакллари белгиланмоқда. Бундан ташқари, иқтисодий суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахслар рўйхатини кенгайтириш таклиф этилмоқда. Чет эл судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларни, шу билан бирга юридик аҳамиятга эга фактларни белгилаш ҳақидаги ишларни кўриш тартибини назарда тутувчи боблар киритилмоқда. Низоларнинг тезда кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида судда кўрилишга тегишлиликнинг умумий қоидаси ўзгартирилмоқда. Чунончи, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан даъво аризалари судга уларнинг рўйхатга олинган жойи бўйича берилади, ундан ташқари, келишув тартиб-таомилларига бағишланган янги боб киритилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасида кўзда тутилаётган қоидалар ЎзМТДП сайловолди Платформасининг суд-ҳуқуқ ва ахборот таъминоти соҳаларидаги мақсад-вазифалари билан ҳамоҳанг.



Шерзод ТЎХТАШЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Бугунги кунда маъмурий суд ишларини юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қоидаларини бирхиллаштиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатни яратиш масаласи долзарб бўлиб келаётган эди. Ана шу муносабат билан ҳамда "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларнинг ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида"ги қонун лойиҳаси соҳада муҳим аҳамият касб этади. Ушбу қонун лойиҳасида бир тарафдан, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа тарафдан — жисмоний ва юридик шахслар, ташкилотлар ўртасидаги оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича иш юритиш тартибини қатъий белгилайдиган қонун ҳужжатлари қоидаларини бирхиллаштириш назарда тутилмоқда.

Кодекснинг мувофиқ, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) бўйича низолашиш тўғрисидаги маъмурий ишлар маъмурий судларга тааллуқлидир.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши маъмурий суд ишларини юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, соҳа ривожига хизмат қилади.



Дониёр ЭРКИНЖОНОВ,
ЎзМТДП фракцияси ижрочи котиби:

— 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада ривожлантиришга қаратилган муҳим вазифа ва йўналишлар мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонларининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш борасидаги муҳим қадам бўлди. Ягона олий суд органи, ихтисослаштирилган судлар, хусусан, иқтисодий ва маъмурий судлар ташкил этилди ҳамда ушбу соҳадаги кадрларни танлаб олиш ва тайинлаш жараёни такомиллаштирилди.

Соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, шу йил 12 апрелда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди. Янги қонун лойиҳалари суд ҳокимиятининг чинакам эркинлигини таъминлашга, улар фаолиятининг самарадорлигини ва обрў-эътиборини янада оширишга хизмат қилади. Парламент қуйи палатасига киритилган ушбу қонун лойиҳалари ЎзМТДП фракцияси аъзолари томонидан ҳам қизғин муҳокама қилиниб, партия дастурий вазифалари ҳамда электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

Қонун лойиҳаси — муҳокамада

КЕНГ МУҲОКАМА ВА ҲАЁТИЙ ТАКЛИФЛАР

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назоратини амалга оширувчи субъект сифатида санаб ўтилмоқда. Унда жамоатчилик назоратининг объекти, асосий принциплари ва шакллари белгиланмоқда. Айни пайтда бу қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилиниб, иккинчи ўқишга тайёрланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 12 июлда парламент аъзолари ҳамда сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган видеоселектор йиғилишида қонунларни қабул қилишда жамоатчилигимиз, сайловчиларнинг кенг иштироки сезилмаётганига алоҳида урғу берган эди: **"Қонунлар қабул қилиниши билан халқимизнинг оғири енгил бўлдими, унинг ҳаётидаги муаммолар ҳал бўлдими, деган саволлар билан, афсуски, ҳеч ким қизиқмаяпти. Шунинг учун ҳам қонунларни қабул қилиш жараёнида янги тизим — аҳоли билан муҳокама қилиш тизимини жорий этиш лозим, деб ҳисоблайман. Яъни, катта аҳамиятга эга, муҳим қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қабул қилгандан кейин уларни жойларда фуқаролар билан кенг муҳокама қилиш, уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини эътиборга олиб, лойиҳаларни такомиллаштирган ҳолда иккинчи ўқишга киритиш тартибини йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади".**

Дарҳақиқат, қонун лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши уларнинг пухта, пишиқлигини, энг муҳими, ҳаётийлигини таъминлайди. Шу маънода бугун "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилиб, аҳоли, идора ва ташкилотлар, турли соҳа вакилларининг таклифлари ўрганилмоқда. Бу борада Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлари, партия фаоллари ҳам фаол иштирок этиб, қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўз таклифларини билдирмоқда. Барча таклифни ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони умумлаштириб бормоқда.

— Қонунчилик палатасида, хусусан, ЎзМТДП фракциясида кўриб чиқилаётган масалалар, қонун лойиҳаларидан партия ташкилотлари ва фаолларининг етарлича хабардор бўлиши уларга жойлардаги масала ва электорат манфаатларидан келиб чиқиб, қонун ижодкорлигига таклифлар бериш имконини беради, — дейди ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони Вакиллик органларидаги депутатлик бирлашмалари билан ишлаш бўлими бошлиғи Дилбар Рашидова. — Давлатимиз раҳбари бу йўналишда белгилаб берган вазифалардан келиб чиқиб, Партия Марказий кенгаши қонун ҳужжатларини жойларга етказиш, унинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича ЎзМТДПнинг иш тартибини ишлаб чиқди. Шу асосда айни кунларда "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳудудий партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларимиз, партия фаоллари ўртасида қизғин муҳокама қилиниб, қатор таклифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Айни пайтга қадар мазкур қонун лойиҳаси бўйича партия ташкилотлари ҳамда ЎзМТДП гуруҳлари аъзоларидан жами 100 га яқин таклиф келиб тушди. Партия Марказий кенгашидаги турли соҳа вакиллари ва мутахассислардан иборат экспертлар гуруҳи уларни таҳлил қилиб, сараламоқда. Ўринли ва маъқул деб топилган таклифлар умумлаштирилиб, партиямизнинг парламент қуйи палатасидаги фракциясига тақдим этилади.



Ҳудудий партия ташкилотларининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан тақдим этаётган таклифлари билан танишиб, уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қилишни маъқул топдик.

Қонун лойиҳасининг 3-моддасида жамоатчилик назоратининг субъектлари кимлардан иборат бўлиши белгилаб қўйилмоқда. ЎзМТДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм ва Тошкент вилоят кенгашлари вакиллари ва депутатларининг таклифига кўра, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари билан бирга, ***сиёсий партиялар ва уларнинг маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларини ҳам жамоатчилик назоратининг субъекти сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ.*** Чунки сиёсий партиялар давлат ва жамият бошқарувида нодавлат нотижорат ташкилот сифатида муҳим ўрин тутади. Шунингдек, вакиллик органларидаги депутатлари орқали жамоатчилик назоратини ўрнатиб, у ёки бу масалани ҳал этишда жамоатчилик принципларига таянади.

Партиямиз вакилларининг бир қатор моддалар юзасидан билдирган таклифларини юқоридаги фикрнинг мантиқий давоми, дейиш мумкин. Жамоатчилик мониторинги ўз ифодасини топган 11-модда, жамоатчилик экспертизаси акс этган 12-модда, жамоатчилик фикрини ўрганиш тартиби белгиланган 13-моддаларда ушбу шакллардаги жамоатчилик назоратини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ўтказиши мумкинлиги белгиланмоқда. ***Агар сиёсий партиялар ҳамда уларнинг маҳаллий вакиллик органларидаги гуруҳлари жамоатчилик назорати субъекти сифатида белгиланса, буни, ўз навбатида, субъектлар томонидан амалга ошириладиган ишлар, жамоатчилик назорати шакллари белгиланган юқоридаги моддаларда ҳам ифодалаш зарурияти юзага келади.***

Партиядошларимиз "Давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар" деб номланган 7-модда бўйича ҳам турли таклиф-мулоҳазалар билдирмоқда. Мазкур моддада "Жамоатчилик назорати субъектлари давлат органларига аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилишга, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларга сўровлар юборишга ҳақлидир. Жамоатчилик назорати субъектларининг мурожаатлари ва сўровлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат органлари томонидан кўриб чиқилади", деб белгилаб қўйилмоқда. ЎзМТДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоят кенгашлари вакиллари ва депутатлари ***ушбу моддада мурожаатлар ва сўровларга жавоб қайтариш муддатларини ҳам мустаҳкамлаб қўйиш таклифини билдирмоқда.*** Уларнинг фикрича, бу жамоатчилик назорати субъектлари томонидан юборилган мурожаатлар ва сўровларга ўз вақтида ва сифатли жавоб қайтарилишини таъминлайди, давлат ташкилотлари мансабдор шахсларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасининг жамоатчилик назоратининг асосий принциплари белгиланган 5-моддасида фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги, уни амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиқлиги, жамоатчилик назорати субъектлари фаолиятининг қонунийлиги, субъектларнинг холислиги ва беғаразлиги, назорат натижаларининг ишончлилиги каби принциплар белгиланган. ЎзМТДП Бухоро вилоят кенгаши ходимлари ҳамда ҳудуддаги депутатлар булар қаторига ***фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг тенглиги принципини ҳам қўшиш таклифини билдирмоқда.***

Жиззахлик партия фаолларимиз ва депутатларимиз эса ***қонун лойиҳасининг 11-моддасига мониторинг ўтказилгандан кейинги натижаларни белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш қоидасини киритишни таклиф этмоқда.***

Хоразм вилоятидаги партиядошларимиз жамоатчилик эшитуви назарда тутилган 10-моддада ***жамоатчилик эшитувига таклиф қилинган давлат органининг масъул ходими ёки мансабдор шахслар эшитувда қатнашишдан бош тортган ёки сабабсиз қатнашмаган ҳолатларда уларга нисбатан жавобгарлик белгилаш масаласини таклиф этмоқда.*** Бу жамоатчилик назоратига беписандлик билан қарайдиган мансабдор шахсларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Ҳудудий партия ташкилотлари ҳамда партия гуруҳлари аъзоларининг "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси юзасидан билдираётган таклифлари, фикр-мулоҳазалари экспертлар томонидан таҳлил қилиниб, сараланмоқда.

Таъкидлаш жоиз, тақдим этилаётган аниқ таклиф ва тавсиялар Қонунчилик палатасида кўриб чиқиладиган қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга, алалоқибат, мамлакатимиз фуқароларининг давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали жамият ва давлат ишларини бошқаришга бўлган конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Жараён

САЙЛОВДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТАМИЗ

ЎзМТДПНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ТУМАН ТАШКИЛОТЛАРИ САЙЛОВГА ҚИЗҒИН ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

Сайлов жараёни демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда беқиёс аҳамиятга эга. Шу боис мамлакатимизда сайлов тизими халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси ҳамда миллий қадриятларимиз ва давлатчилик тарихимиздан келиб чиққан ҳолда шакллантирилган. Сайлов қонунчилигимиз фуқароларга давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали эркин ҳамда ихтиёрий иштирок этиши учун шароитларни кафолатлайди.



Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига мувофиқ, 2017 йил 24 декабрь Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикасининг "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунининг 20-моддасига кўра, халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари номзод кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар. Айни пайтда мамлакатимиздаги тўртта сиёсий партия ҳамда ўзини ўзи бошқариш органлари мазкур ҳуқуқлардан келиб чиқиб, сайлов жараёнига қизғин ҳозирлик кўрмоқда.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар ҳамда туман кенгашлари вакиллик органларида кўпчилик ўринни эгаллаш мақсадида сайлов жараёнига пухта тайёргарлик кўрмоқда. Сайловнинг юқори даражада ўтказилишини ташкил этиш мақсадида ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитасида ҳамда туман партия ташкилотлари ҳузурида сайлов штаблари тузилган. Сайлов штаблари айни сайлов кампанияси даврида партиянинг сайлов билан боғлиқ фаолиятини, номзодлар, ваколатли вакиллар, кузатувчилар ва тарғибот гуруҳлари ишини мувофиқлаштириб бормоқда.

ЎзМТДП Учтепа туман кенгашининг сиёсий жараёнга тайёргарлик ишлари билан танишиш мақсадида ташкилотнинг сайлов штабида бўлдик. Бу ерда сайлов кампаниясини уюшқоқлик билан ўтказиш учун барча шароит муҳайё қилинганига, штаб вакиллари қизғин иш жараёни билан бандлигига гувоҳ бўлдик. Партия туман кенгаши раиси, сайлов штаби раҳбари ўринбосари Гулнора Ваҳобовани суҳбатга тортдик.

— Сайлов, энг аввало, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини амалга оширувчи жараён бўлса, сиёсий партиялар учун муҳим синов палласидир, — дейди Гулнора Ваҳобова. — Чунки вакиллик органларидан кўпчилик депутатлик ўринларини эгаллаш партиянинг дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, барча соҳадаги ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиш, ташаббус кўрсатиш имконини кенгайтиради. Шу боис Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайлов партиямиз зиммасига катта масъулият юклайди. Жумладан, туман кенгашимиз ҳам олдимизда турган муҳим сиёсий жараёнга пухта тайёргарлик кўрмоқда. Бунинг учун сайлов штабида барча шарт-шароит яратилган — сайловга оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, ҳуқуқий адабиётлар ҳамда телефон, факс, нусха кўчириш аппарати каби оргтехника воситалари билан таъминланган. Сайлов штабидаги ҳар бир гуруҳ — оммавий ахборот воситаларида номзодларнинг сайловолди дастурини тарғибот ва ташвиқот қилиш, депутатликка номзодларнинг ҳужжатларини тайёрлаш ва сайлов комиссиялари билан ишлаш, партия ваколатли вакили ҳамда номзодларнинг ишончли вакилларини тайёрлаш ва улар билан ишлаш гуруҳлари ўз йўналишидаги вазифаларни вақтида амалга ошириш учун астойдил киришган. Тайёргарлик ишларига халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатларимиз ҳам жалб қилиниб, уларнинг тажрибаси ва кўмагидан фойдаланилмоқда. Жумладан, шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоси Юнус Каримов сайлов штаби раҳбари сифатида сайлов бўйича олиб борилаётган барча саъй-ҳаракатларда бош-қош бўлаётир.

Айни пайтга қадар туманимиздаги мавжуд 34 бошланғич партия ташкилотининг умумий йиғилишлари ўтказилиб, туман кенгаши конференциясига 64 делегат сайланди. Туман ҳудудидаги 30 сайлов округи учун номзодлар сараланди. Партия туман кенгашининг навбатдаги конференциясида халқ депутатлари Учтепа туман Кенгашига партиямиздан номзодлар кўрсатилади.

Туман партия ташкилотининг сайловга тайёргарлик ишлари билан танишар эканмиз, номзодларни саралаш жараёни, уларнинг таркиби билан қизиқдик. Сайлов штаби раҳбари ўринбосарининг айтишича, номзодлар, энг аввало, партия аъзоси бўлган, ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларидан хабардор фуқаролар орасидан сараланган. ЎзМТДП ташкилотлари ходимлари, фаоллар, маданият, таълим, спорт, тиббиёт соҳаси вакиллари, тадбиркорлар ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакилларидан иборат номзодларнинг ҳар бири билан суҳбат ўтказилган. Дарҳақиқат, ҳар жиҳатдан фаол ва ташаббускор, партия дастурий вазифаларидан бохабар, одамлар орасида ҳурмат ва эътиборда бўлган номзодлар партиямизнинг сайловда муносиб иштирок этиши ва самарали натижаларга эришишида муҳим аҳамиятга эга.

Бир сўз билан айтганда, ЎзМТДП Учтепа туман кенгаши арафада турган сайловга қонунчиликда белгиланган тартибда пухта ҳозирлик кўрмоқда.Зеро, пухта тайёргарлик ҳар қандай сиёсий тадбир, айниқса, демократия кўзгуси бўлган сайловнинг муваффақиятли ўтишида асосий омил ҳисобланади.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Муҳтарама КОМИЛОВА тайёрлади.

ЎзМТДП: устувор вазифалар

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИГА ЮЗМА-ЮЗ КЕЛИБ...

ПАРТИЯ ДАСТУРИ КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев парламент палаталари ва сиёсий партиялар вакиллари билан бўлган учрашувда "Бугун замоннинг ўзи сиёсий партияларнинг иш услубини тубдан ўзгартириш, уларнинг аҳоли, электорат билан мулоқотини тизимли йўлга қўйишни талаб этмоқда. Энди "мудраб ётган" сиёсий партиялар уйғониши лозим. Улар баландпарвоз гапларни четга суриб, аниқ амалий ишлар билан одамларимиз, сайловчилар ишончини қозониши, уларнинг қалбидан жой олиши керак", деб таъкидлаган эди. Бу вазифанинг амалга ошиши учун эса, аввало, сиёсий партияларнинг дастури халқчил, одамлар ҳаётига яқин, уларнинг манфаатига асосланган бўлиши лозим. Шундагина сайловчи бу дастурни қабул қилади, сиёсий партияга ишонади.



Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида бу масалага алоҳида тўхталиб, сиёсий партияларнинг дастурларини доимий такомиллаштириб бориш ишлари талаб даражасида йўлга қўйилмагани, улар ўз дастурий мақсад-вазифаларини, мафкуравий соҳадаги ишларини қайта кўриб чиқиб, уларга зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиши лозимлигини таъкидлаб ўтди. Ушбу вазифани амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши партия Дастурини кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйди.

Айни кунларда барча даражадаги партия ташкилотлари Дастурда белгиланган вазифаларни жойларда соҳа мутахассислари, олимлар ва экспертлар иштирокида муҳокама қилиб, ўз таклифларини билдирмоқда. Шу билан бирга, ЎзМТДП Дастури партиянинг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқларда қизғин муҳокама қилинмоқда.

Партия Дастурига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, мутахассисларнинг таклифларини ўрганишга бағишланган навбатдаги учрашувлар Ўзбек Миллий академик драма театри ва Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлиб ўтди. Жумладан, Дастурдаги маънавий-маърифий соҳадаги вазифалар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги вакиллари, санъатшунос ва театршунос олимлар, санъаткорлар иштирокида, ижтимоий соҳадаги вазифалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва олий ўқув юртларининг тарихчи олимлари, ҳуқуқшунослар, музейлар вакиллари ҳамда мутахассислар иштирокида атрофлича муҳокама қилинди. Муҳокама иштирокчиларининг партия Дастури юзасидан билдирган таклиф ва тавсиялари ҳамда фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.







Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев сиёсий партиялар фаолияти учун дастуриламал вазифаларни белгилаб бергач, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз фаолиятини янги босқичга кўтариш, партия Дастурига бугунги замон талабларидан келиб чиқиб, соҳанинг етук мутахассислари хулосасига таяниб, тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан амалий саъй-ҳаракатларга киришди.

Бу жараёнда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросига алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб, Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган масалалар партия Дастурига киритилмоқда. Шу билан бирга, уларнинг амалий ечими, ҳаётга татбиқ этиш йўллари ҳам муҳокама этилмоқда. Бундан ташқари, Ҳаракатлар стратегиясини изчил амалга оширишга қаратилган 500 дан ортиқ фармон ва қарорлардаги сиёсий партиялар сайловда кўтарган муаммолар ечимига қаратилган чораларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Партия Дастурини такомиллаштиришда, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "жаҳон тажрибасини ўрганиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш фойдадан холи бўлмайди".

Шу боис бу йўлдаги дастлабки қадамни юртимизнинг маданий, маънавий-маърифий ҳаётида ўз сўзига эга бўлган инсонлар, соҳа жонкуярлари, мутахассислар ва таниқли олимлар иштирокида муҳокама қилишдан бошладик. Муҳокамалар жараёнидаги баҳс-мунозаралар, ўринли таклиф ва тавсияларнинг барчаси партиямизнинг бундан буёнги фаолияти учун жуда муҳим. "Ҳақиқат баҳсларда туғилади", деган ўринли таъкид янги, такомиллашган ЎзМТДП Дастурида яна бир бор ўз исботини топиши шубҳасиз.



Озодбек НАЗАРБЕКОВ, Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари:

— Президентимизнинг жорий йил 3 августида юртимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан бўлган учрашувидан кейин мамлакатимиз маданий, маънавий-маърифий ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишлар янги босқичга кўтарилди. Соҳа ривожида тарихий аҳамиятга эга мазкур учрашувда давлатимиз раҳбари ижод аҳлига "жамият тафаккурининг эгалари" деб таъриф бериб, ўзининг чуқур ҳурмат-эътиборини намоён этгани биз ижодкорларга катта куч бағишлади. Аммо бу соҳада қатор муаммолар борлиги халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш жараёнига акс таъсир кўрсатаётганини аниқ мисолларда кўрсатиб берган, бу муаммоларни бугун ҳал қилмасак, эртага кеч бўлишини англатади.

Фаолиятимизда бундай амалий ишга биринчи бор гувоҳ бўлишим. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз салоҳияти, масъулиятни ҳис қила олиш имкониятидан келиб чиқиб, маданият соҳаси ривожига ҳисса қўшишга бел боғлаган экан, ҳамкорликда соҳадаги кўплаб муаммоларни ечиш имконияти пайдо бўлади. Бу ишда биз партия ҳамда унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, жойларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш депутатларининг ваколат доирасидаги кўмагига таянамиз. Бир сўз билан айтганда, ЎзМТДП бизнинг яқин ҳамкоримизга, ҳаммаслагимизга айланди.

Шундай экан, бугун маданият соҳасидаги муаммоларни рўй-рост айтиш соҳа вакилларининг масъулиятли вазифаси. Чунки улар шу соҳанинг ичида юриб, асл муаммолардан яхши хабардор бўлади, уларда аниқ, асосли таклиф бериш имконияти катта. Жумладан, маданият соҳасидаги энг долзарб муаммолардан бири — муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ. Бу борадаги қонунчилик ижроси таъминланиши назоратга олинмас экан, соҳа ривожига қаратилган саъй-ҳаракатларимиз амалда натижа бериши қийин. Мисол учун, бир ижодкор яратган асарни бошқаси ҳе йўқ-бе йўқ ижро этяпти, қўшиқлар фонограмма орқали бошқа санъаткор ижросида айтилмоқда. Бу жараёнда асар эгаси ижод қилиб, янгиликка интиляпти, иккинчи "ижодкор" тайёрига эга чиқмоқда. Агар бу масалада муаллифлик ҳуқуқи ҳимоя қилинса, ижодкорларнинг ўз устида ишлашига талаб кучаяди, рақобат муҳити пайдо бўлади. Бу ўз-ўзидан бетакрор санъат асарлари яратилишига хизмат қилади.



Фатҳулла МАЪСУДОВ, Ўзбек Миллий академик драма театри директори:

— Ҳар қайси халқ, ҳар қайси давлатнинг маънавий тараққиёт даражаси, аввало, унинг маданияти, санъат ва адабиётида, жумладан, театр санъатида яққол намоён бўлади. Буюк аждодимиз Беҳбудий таъкидлаганидек, "Театр — бу ибратхонадир". Аммо халқимиз биздан театр саҳнасида бугунги ҳаётимизни теран акс эттирадиган, турли синовларда тобланган, келажагини ўз қўли, меҳнати билан яратаётган, Ватан тақдирини ўз тақдири деб биладиган фидойи инсонлар — замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ёрқин ифода этадиган янги асарларни кутмоқда.

Олдимизда турган муҳим вазифалардан яна бири — театр репертуарларида тарихий қаҳрамонлар образини яратиш. Бу ҳақда Президентимиз Шавкат Мирзиёев 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувда алоҳида таъкидлади. Бу вазифани амалга ошириш ишлари бошланди. Аммо тарихий қаҳрамонлар образини яратишда асар танлаш шунчаки амалга ошириладиган иш эмас. Бунда махсус танлов ўтказиб, асар ва қаҳрамон образини танлаш олдимизда турган муҳим вазифа.

Шу билан бирга, театрлар олдида турган муаммолар ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Бу муаммолардан бири — реклама масаласи. Яъни ҳар бир театр олдидан ўтмагунча у ерда қайси спектакль намойиш қилинаётганини билиш қийин. Томошабинни театр репертуаридан хабардор қилиш ишлари бироз суст йўлга қўйилган. Бунинг учун рекламани, ташвиқотни кучайтириш керак. Агар республикамиз театрларига шаҳардаги баннерлардан фойдаланиш, телевидениеда реклама роликларини бериш учун имтиёзли вақт ажратилса, нур устига нур бўларди.

Яна бир таклифим — Маданият вазирлиги тасарруфида телеканал ташкил этиш масаласи. Шунда ҳар бир театрда намойиш этилаётган спектаклларни намойиш этиб бориш имконияти пайдо бўлади ва бунда вилоят театрлари ҳам қамраб олинади. Шунингдек, фаолиятимизга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, бугунги замон талабларига мослаштириш зарур. Ҳозир ҳам собиқ иттифоқ давридаги ҳужжатлардан фойдаланиб келаётганимиз, бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги фаолиятимизнинг энг оғриқли томонларидан биридир.



Нодир МУХТОРОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

— Ижодкорлар — жамият тафаккурини шакллантирувчи куч. Бугун қарашлар эврилиши, манфаатлар тўқнашуви, ахборот хуружлари кучайган пайтда санъат етакловчи кучга айланиши лозим. Бугунги ижод аҳли томошабин орқасидан қувиши эмас, аксинча, томошабин сара асарлар, бетакрор ижод намуналари ортидан эргашиши керак.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бугун юртимиз маданий-маърифий ҳаёти учун "Маданият тўғрисида"ги қонун керакми? Мисол учун, қайсидир соҳа ҳуқуқий тартибга солишга муҳтож бўлади, қайсидир соҳани одоб-ахлоқ нормаларига қолдириш, қайси бирини эса одоб-ахлоқ қоидалари ва қонуннинг ўртасидаги этика қоидаларига ҳавола қилиш керак. Шу нуқтаи назардан, балки "Маданият тўғрисида"ги қонунни яратишдан олдин, унинг тармоқлари, соҳаларини, яъни, театр, кино ҳақидаги қонунларни босқичма-босқич яратиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги муҳокамалар жараёнида мана шу саволга соҳа вакиллари билан биргаликда жавоб топишни режалаштирдик. Қонун яратиш қийин эмас, бироқ унинг ижро механизмлари пухта-пишиқ бўлмаса, қонун фақат қоғоздагина кучга эга бўлиб қолаверади. Бунинг учун соҳа вакиллари ўртасида кўпроқ мулоқотлар, муҳокамалар бўлиши фикрлар сайқаллашиб, соҳадаги муаммолар ўз ечимини топишида муҳим аҳамият касб этади. Бу ҳамкорлик ишида фракциямизнинг ҳар бир вакили фаоллик кўрсатишга тайёр, бунга имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етарли.



Жаннат ИСМОИЛОВА, Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори, тарих фанлари доктори:

— Музейлар — тарихдан гувоҳлик берувчи маънавий маскан. Тарих ёки санъат, ўлкашунослик музейлари бўладими, уларнинг бари тарихимизнинг бир бўлаги сифатида хизмат қилади. Шу боис мамлакатимиз тарихини ўрганишда музейлар бекиёс манба эканини унутмаслигимиз лозим.

Юртимиз тарихини пухта ўрганиш, мамлакатимиз шаҳарларининг маданий ёдгорликларини, уларнинг тарихий қиёфасини муҳофаза қилиш, тарихий иншоотлар ва меъморий ёдгорликларни сақлаш ҳамда реставрация қилиш мақсадида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Дастурида музейлар фаолиятига ҳам алоҳида эътибор қаратилишини истардик. Мамлакатимизда 100 дан ортиқ музей бор. Уларнинг ҳар бири алоҳида тарих: юртимиз ўтмиши, санъати, табиати, геологиясини ўрганишда муҳим маънавий маскан. Партия уларнинг бир-бири билан боғлаб турувчи занжирини топиб, ҳар бир тармоғини қамраб олиши лозим, деб ҳисоблайман.

Аҳоли, айниқса, катта авлод вакилларини музейларга жалб қилиш механизмини яратишимиз керак. Чунки ота-онанинг музейга муносабати орқали фарзандда иштиёқ шаклланади. Музей ходимларининг ижтимоий муҳофазаси масаласини ҳам ўйлаб кўриш, соҳадаги ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш бугунги фаолиятимиз ривожига катта таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда юртимиздаги музейларни туристик маршрутларга киритиш мақсадга мувофиқ. Зеро, Ватанимиз тарихи ҳақидаги энг холис ахборот ва манбалар айнан музейларда мужассам. Сайёҳлик фирмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, уларда фаолият юритаётган гидларнинг малакасини ошириш, уларнинг юртимиз тарихи ҳақидаги билимларини бойитиш лозим. Чунки кўп ҳолларда гидларнинг сайёҳларга Ўзбекистон тарихи ҳақида аниқ факт ва маълумотлардан кўра, афсоналар айтиб, беришаётганига гувоҳ бўляпмиз. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланганидек Ўзбекистон тарихини кенг миқёсида изчил ўрганилишини таъминлаш, бу борада тарихийлик ва холислик тамойилларига қатъий амал қилиш, шонли ўтмишга ва ўзбек халқининг ҳозирги кундаги ҳаётига баҳо беришда бирёқлама ёндашувларга, нохолисликка йўл қўймаслик, Ўзбекистон тарихини бузиб, сохталаштириб талқин этишларига нисбатан қарши курашиш лозим.



Убайдулла УВАТОВ, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор:

— Дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Чунки таълим ва маърифат инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "инсон маънавий олами, халқлар маданиятини белгилайдиган манбаларни асраб-авайлаш ва бойитиш бугунги кунда ҳар қачонгидан муҳим. Азалий қадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас динимизни асраш ва қадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Ислом — ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзотни эзгу амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади".

Шундан келиб чиқиб, бугун олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири — турли мафкуравий хуружлар авж олаётган айни дамда аждодларимизнинг илмий-маънавий меросини чуқур ўрганиш, улардаги эзгу ғоя ва таълимотларни кенг халқ оммасига етказиш ва шу асосда ёшларда соғлом дунёқарашни, илм-фанга ва таълим олишга интилиш туйғусини янада кучайтиришдан иборат.

Абу Исо Муҳаммад Термизий ҳазратлари айтганидек, "Отанинг ўз фарзандига берган тарбияси катта миқдорда пул садақа қилганидан кўра ҳам авлороқдир". Дарҳақиқат, бугун ёт оқимларга адашиб кириб қолганлар кимлар? Аввало, оиласида етарлича тарбия кўрмаган кимсалардир.

Шу нуқтаи назардан бугун муҳокама қилинаётган партия Дастурининг энг муҳим йўналишларидан бири ижтимоий соҳада ва бевосита ёшлар тарбиясида буюк аждодларимизнинг ҳаёт йўли ва маънавий мероси муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, аждодларимиз ҳақида ёшларимизни кўпроқ бохабар қилишимиз, фарзандларимизни буюк аждодларимизга муносиб авлод сифатида тарбиялашимиз муҳим аҳамиятга эга. Зеро, аждодларимиз маънавий мероси ҳамиша инсон бу ҳаётнинг қадрига етиб, ўлчаб берилган умрини эзгу ишларга сарфлашини ўқдиради, инсонга ахлоқ, дид, эътиқод, тасаввур ва тафаккурнинг энг эзгу ғояларидан сабоқ беради. Ёшларимиз улуғ алломаларимизнинг ана шу боқий меросини теран ўрганса, ҳар қандай вазият ва шароитда ҳам юксак маънавиятга таянса, биз орзу қилган келажакка эришадилар.



Шуҳрат МУҲАММАДОВ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти директори ўринбосари:

— Юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда Ўзбекистон тарихини ўрганиш ва уни тарғиб этишда холислик тамойилларига амал қилишимиз зарур. Бу ишни, энг аввало, бугун мамлакатимизда камол топаётган фарзандларимиз таълим-тарбиясидан бошлашимиз айни муддао. Чунки, нафақат туристларга гидларнинг тарихимиз ҳақида бераётган нотўғри маълумотлари, балки умумтаълим мактабларида ўқитилаётган Ўзбекистон тарихи дарсликларида ҳам халқимиз ва давлатимиз тарихига оид нохолис ахборотлар ва нотўғри фактларнинг мавжудлиги ушбу масаланинг долзарб эканини билдиради. Бугун умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида ўқитилаётган дарсликлар ЎзФА Тарих институтидан айро равишда тайёрланиб, нашр этилмоқда. Шундан келиб чиқиб, таълим муассасаларидаги Ўзбекистон тарихи фани дарсликларига академик ёндашувни амалга ошириш ва уларни институтимиз ҳамкорлигида нашрга тайёрлашни таклиф этамиз.

Шунингдек, юртимиз тарихининг ўчмас саҳифаларини китобларга муҳрлаш лозим. Яъни, демоқчиманки, мамлакатимиз мустақиллигига 26 йил бўлди. Ўзбекистон 26 йиллик тарихга эга. Мана шу қисқа, аммо бой ва беқиёс мустақиллик тарихининг кўп томлик нашрини тайёрлаш бугун тарихчи олимлар олдида турган муҳим вазифадир. Бу хайрли ишнинг амалга ошиши юқорида таъкидланган навқирон авлодни тарихий ҳақиқатлар асосида тарбиялаш, уларнинг бу борадаги билимларини оширишга хизмат қилиши баробарида жаҳон ҳамжамиятига Ватанимиз тарихи ҳақидаги муҳим манбаларни тақдим этишда алоҳида аҳамият касб этади.



Баҳром ИРЗАЕВ, "Қатағон қурбонлари хотираси" давлат музейи илмий ходими:

— Партия Дастури муҳокамаси ҳақида гапирар эканмиз, аввало, унда белгиланган вазифаларнинг барчаси миллий тикланиш ғоясини амалга оширишга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эгадир. Шундай бўлса-да, бугунги шиддат билан ўзгараётган замонда, ижтимоий-сиёсий соҳаларда туб ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда партия Дастурини ҳам шунга мос равишда ўзгартириш лозим. Бу партия электорати манфаатларини ҳимоя қилишга, пировардида мамлакатимиз равнақига хизмат қилади.

Тарих ҳақиқатларини юзага чиқариш, холисона ўрганиш, ёшларнинг бу борадаги билимини бойитишда архив ҳужжатлари, қўлёзма материаллари билан ишлаш долзарб аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан партия дастурида Ўзбекистон тарихини холис ўрганиш, бирёқлама ёндашувларга қарши курашишда архивларда сақланаётган қўлёзма манбалар ва архив ҳужжатларини ўрганиш ва уларни тадқиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиши лозим деб ҳисоблайман.

Шоҳида ДАМАНОВА,
Сардор МУЛЛАЖОНОВ (сурат),
"Milliy tiklanish" мухбирлари

21 октябрь — "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинган кун

МИЛЛАТНИНГ АЗАЛИЙ ВА АБАДИЙ ТИМСОЛИ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

— Тил — халқ маънавий бойлиги, инсонларни миллат сифатида бирлаштирувчи, халқнинг ўзлигини намоён этувчи қудратли куч, — деди партия раҳбари. — 1989 йил 21 октябрь — Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун. Бу ота-боболаримиз орзиқиб кутган ҳурлик учун қўйилган илк қадам эди. Қонунда давлат тили билан бирга юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, давлат йўли билан ҳимоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумот олиш каби ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари аниқ белгиланди. Ўзбек тили мақоми Конституциямизда мустаҳкамланиб, 1995 йили "Давлат тили ҳақида"ги қонуннинг янги таҳрири қабул қилингани унинг янги шароитдаги ўрни ва ролини, шу билан бирга, ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлади. Мустабид тузум даврида ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим соҳаларидан четлатилган ўзбек тили бугун нафақат миллий маконда, балки жаҳоннинг нуфузли минбарларидан ҳам баралла янграмоқда.

Бугун она тилимиз сиёсат, саноат, дипломатия, ҳарбий иш, халқаро ҳуқуқ, замонавий илм-фан, ахборот ва коммуникация технологиялари, спорт соҳаларида ҳам кенг қўлланилмоқда. Мазкур қонун она тилимизнинг қўлланиш доирасини янада кенгайтириш, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантиришда долзарб аҳамият касб этади. Унда белгиланган вазифалар, шу билан бирга, ҳозирги ахборот асри, глобаллашув жараёнининг салбий оқибатлари, турли кўринишдаги ахборот хуружлари партиямиз вакиллари, депутатлик бирлашмалари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Зеро, партиямиз сайловолди Платформасида давлат тилини бойитиш ва янада такомиллаштиришга, тил маданиятини, ўзаро муомала сифатини юксалтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ва қоидалари бузилишининг олдини оладиган аниқ мақсадли ишларни олиб боришга кўмаклашиш устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган.

Партия етакчиси ўз маърузасида ЎзМТДПнинг она тилимиз софлигини сақлаш, уни ривожлантириб, бойитиб боришга қаратилган саъй-ҳаракатлари, депутатлик бирлашмаларининг бу борада олиб бораётган амалий ишларига алоҳида тўхталиб ўтди. 2016-2017 йилларда ЎзМТДП ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ўзаро ҳамкорликда жойларда ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниши ҳолатини ўрганди. Бу борада 44 та маҳаллий Кенгашлар сессиялари кун тартибига ташаббус-масала олиб чиқилди. Депутатларимиз жойларда ўзбек адабий тилининг меъёр ва қоидаларига амал қилиш борасида самарали натижалар билан бирга, фойдаланилмаган имкониятлар, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам мавжудлигини аниқлади. Сессиялар қарорларида ноширлик фаолияти, лавҳалар, эълонлар ва бошқа кўргазмали ахборот матнлари, турли маҳсулотларнинг ёрлиқлари, йўриқномалари, географик объектларнинг номларини ёзиш ва қўллашдаги хато-камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Шунингдек, ЎзМТДП Марказий кенгаши ташаббуси билан ёшларни она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда тил ва адабиётнинг ўрни муҳимлигидан келиб чиққан ҳолда ёшлар орасида тил маданиятини юксалтиришга қаратилган "Тил — миллат кўзгуси" фильми яратилиб, барча даражадаги партия ташкилотлари уни кенг тарғиб қилмоқда. Партия ташкилотларида ҳар ойнинг учинчи ҳафтаси "Она тили ҳафталиги" деб номланиб, бунда давлат тилининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ёшлар онгида она тилимиз, миллий рамзларимизга нисбатан ҳурмат туйғусини янада ошириш, қадриятларимизни асраб-авайлашга қўмаклашишга қаратилган тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг оммавий муомалада ўзбек адабий тили меъёр ҳамда қоидалари бузилишининг олдини олиш ва маънавий-маърифий ишларни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ҳамкорлик меморандумини имзолагани ҳам бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этади.

— "Ямон сўзким келиб жонға урғай, ки жондин ўтиб имонға урғай", — дейди Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, профессор Шуҳрат Сирожиддинов. Бу сўзлар, эл, халқ дарди билан яшаган, ўз она тилини миллий қадриятларнинг бошига қўйиб, уни осмон қадар кўтарган буюк Алишер Навоийнинг юрак дарди, қалб изтиробларидан эди. Навоийнинг қалбини туғёнга келтирган бу туйғу бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Боиси она тили ва унинг тақдири муаммоси ҳеч қачон эскирмайди. Ҳар бир халқ барча замонларда ўз она тилининг келажаги, унинг шаъни, шарафи учун астойдил курашиб келган. Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши нафақат соҳа вакилларини, балки бутун маърифатсевар халқимиз ҳаётида чинакам тарихий воқеа бўлди, она тилимиз, миллий адабиётимизнинг нуфузини ошириш, уни ўрганиш ва тарғиб этишни янги босқичга кўтарди. Соҳадаги ишларни изчил давом эттириб, она тилимизнинг қадр-қимматини ёш авлод онгу шуурига сингдиришимиз лозим. Зеро, бугунги давр биздан барча соҳада бўлгани каби тил масаласида ҳам ўта ҳушёрлик, огоҳлик, синчковлик ва зийракликни талаб қилмоқда.

Анжуманда "Ўзбек диалектологиясининг мазмунини такомиллаштириш омиллари", "Ўзбек компьютер лингвистикасининг бугуни ва истиқболи" мавзусида маърузалар тингланди. Ахборот алмашинуви шиддатли тус олган бугунги замон кўпгина миллий-маънавий бойликлар қатори давлат тилини ҳам асраб-авайлашни, унинг ҳуқуқий асослари ва ижтимоий-сиёсий мавқеини янада кучайтириб боришни тақозо этиши таъкидланди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.



Шоҳид ТАСЛИМ,
Янги Деҳли Миллий университети доценти:

— Университетимизда ўзбек тили кафедраси бор. Мен талабаларга ўзбек тилидан сабоқ бериб келаман. Кўплаб алломаларингиз, хусусан, шогирдларим билан Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазалларини севиб мутолаа қиламиз. Бобур ҳам ўз фаолияти давомида тил соҳасида буюк ишлар қилган. Араб хатини соддалаштириб, "Хатти Бобурий" ёзувини ишлаб чиққани ва шу хатда Қуръони каримни кўчиртириб, Маккаи мукаррамага юборгани барчамизга маълум.

Ушбу анжуманда "Ўзбек тилини чет элликларга ўргатишга доир мулоҳазалар" номли маърузам билан иштирок этдим. Талабаларим ўзбек тилини мукаммал ўрганиши учун Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети тилшуносларидан университетимизга ҳам боришларини, бизга кўмак беришларини, тажриба алмашишни сўрадим.



Нилуфар АБДУРАҲМОНОВА,
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети докторанти:

— Бугун ўзбек тилининг формал грамматика ва унинг ахборот услубини яратиш ниятидамиз. Бу йўналишда давлат тилида иш юритиш ва муайян соҳада қўлланиладиган терминларнинг ўзбекча муқобил вариантларини электрон луғатларда шакллантириш, уларга йўриқнома, мобиль иловалар яратиш лозим.

Дунё миқёсида ўзбек тилининг ўқитилиши ва ўргатилишига доир маълумотлар базаси шакллантирилди. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, дунё университетларининг кўпчилигида ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш пайдо бўлмоқда. Шунинг учун олдимизда турган энг муҳим вазифалардан яна бири хорижликлар учун ўзбек тилини билиш даражасига қараб тоифалаштирилган электрон дарсликлар, видео курслар ҳамда ўзбек тилини масофадан ўқитиш MOOC (massive open online course) тизимини яратишдир.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фракция фаолияти

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИ РИВОЖИДА ЯНА БИР МУҲИМ ҚАДАМ

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.



Жумладан, "Ўзбекконцерт" давлат муассасаси фаолиятини таъминлаш, молиявий, ташкилий, ижодий йўналишларда комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш асосида маданият ва санъат соҳасини ривожлантиришга кўмаклашиш белгиланган. Мазкур қарор мазмун-моҳияти ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган мамлакатимизда маданият ва маънавият ривожига муносиб ҳисса қўшиш, маданият, санъат вакилларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш сингари мақсад-вазифалар билан муштарак. Бу, ўз навбатида, ЎзМТДП депутатлик бирлашмалари ва барча даражадаги партия ташкилотлари зиммасига алоҳида масъулият юклайди.

Йиғилишда таъкидланганидек, қарорда халқаро ва маданий алоқаларни кенгайтириш, маданият ва санъат соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий сармоя ва грантларни жалб этиш, мамлакатимизда маданият ва санъатга доир хомийликни ривожлантиришга кўмаклашиш каби вазифалар белгиланган соҳа тараққиётида алоҳида ўрин тутади. Айниқса, Маданият вазирлиги тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича тадбирлар учун мақсадли маблағлар ажратиш вазифаси соҳа вакилларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади, уларнинг ижодий фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади. ЎзМТДП электорати бўлган ижодкор зиёлилар, маданият вакилларининг ҳар жиҳатдан рағбатлантирилишини қўллаб-қувватлайди.

Фракция аъзолари Президентимиз қарорида кўзда тутилган барча чора-тадбирлар маданият ва санъатнинг янада ривожланишига хизмат қилишини таъкидладилар. Ҳудудий партия ташкилотлари ҳамда партия гуруҳлари билан ҳамкорликда қарорнинг жойлардаги ижросини назорат қилиш, бунда парламент ва депутатлик назоратини йўлга қўйиш борасида ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда қайд этилган таклифлар асосида ушбу қарор ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга келишиб олинди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" муҳбири

Сайёр қабул

МУРОЖААТЛАРГА ЕЧИМ ТОПИЛМОҚДА

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Маҳалланинг Мингўрик, Бектўпи кўчаларидан оқиб ўтувчи сувдан олинган намуналарнинг бактериологик ҳамда кимёвий текшируви натижалари унинг санитария талабларига жавоб бермаслигини кўрсатди.

Вилоят давлат санитария эпидемиология назорат маркази маҳаллада аниқланган ичимлик суви тизимидаги носозликларни бартараф этиш бўйича вилоят "Сувоқава" давлат унитар корхонаси бошлиғига санитария кўрсатма хати берди. "Сувоқава" давлат унитар корхонаси айни пайтда носоз қувурларни алмаштириш ишларини олиб бормоқда.

Гулистон тумани "Аҳиллик" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайёр қабулда Инобат Эшматова етти йил аввал турмуш ўртоғи вафот этгани, икки фарзанди оғир дардга чалингани ва уларни даволатиш учун кўмак беришни сўраб, партия ташкилотига мурожаат қилганди. Ана шу мурожаат асосида халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Норбобо Соатов вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғига депутатлик сўрови юборди.

Мазкур депутатлик сўровига келган жавоб хатида бундай дейилади: "Фуқаро Инобат Эшматова билан бўлиб ўтган суҳбат давомида ҳамда ўтказилган текширувлар натижасида фарзандлари 2003 йилда туғилган Абдураҳим Қўшматов ўткир лимфобласт лейкоз касаллиги ва 2007 йилда туғилган Камола Қўшматова юрак туғма нуқсони, бўлмачалараро тўсиқ нуқсони ташхиси билан диспансер назоратида туриши аниқланди.

Фуқарога ушбу касалликнинг келиб чиқиши, кечиши, асоратлари, даволаш чора-тадбирлари ҳақида тушунтирилди ҳамда фарзандларини белгиланган тартибда вилоят ёки республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида даволаниши учун Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ва Гулистон туман тиббиёт бирлашмаси томонидан имтиёзли йўлланма (ордер) берилиши маълум қилинди. Унинг фарзандлари соғлиғини Гулистон туман тиббиёт бирлашмаси кўп тармоқли марказий поликлиникаси доимий тиббий назоратга олди".

— "Миллий тикланиш" демократик партияси Гулистон туман кенгаши ташкил этган сайёр қабулда мурожаатим инобатга олинганидан миннатдорман, — дейди Инобат Эшматова. — Бундай эътибор ва ғамхўрликдан кўнглим тоғдек кўтарилди. Энди анча хотиржамман, чунки фарзандларимнинг соғлиғи малакали шифокорларнинг доимий назоратида.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратилгани, аҳоли қатламлари эҳтиёж ва муаммоларининг ижобий ҳал этилиши ҳар бир фуқаронинг орзу-умидларига қанот бағишламоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда инсон манфаати ҳар нарсадан устун қўйилгани, унинг ҳақ-ҳуқуқлари тўла таъминланаётганидан далолатдир.

Ўз мухбиримиз

Маҳаллий Кенгашларда

ТАШАББУСКОР ВА ФАОЛ БЎЛИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев парламент палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишида ҳар қандай сиёсий партия замон билан ҳамнафас бўлиб, унинг ўткир талабларига жавоб берган тақдирдагина сиёсий куч сифатида яшай олади, деб таъкидлади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ана шундай устувор йўналишларда белгиланган мақсад-вазифаларни амалга ошириш юзасидан чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиб, унинг ижросини таъминлашга интилмоқда.



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Фуқаролик жамияти шакллланишини мониторинг қилиш мустақил институти билан ҳамкорликда "Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор вазифаларини амалга оширишда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳининг самарали иштирокини таъминлаш" мавзусида ташкил этилган семинар ҳам айни шу мақсадга қаратилди.

Семинарни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Феруза Муҳаммаджонова кириш сўзи билан очди.

— Давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида партия вакиллари ва депутатлардан мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг нафақат иштирокчиси, балки ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши ва бошқаларга намуна кўрсатиши зарурлигини алоҳида таъкидлади, — деди Феруза Муҳаммаджонова. — Шу боис, партия ташкилотлари ва барча даражадаги депутатларимиз фаолиятини тубдан такомиллаштириш, уларнинг ислоҳотлар жараёнидаги фаоллиги ва ташаббускорлигини оширишга қаратилган зарур қарорларни қабул қилишимиз лозим. Мазкур семинар ҳам шундай мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Таъкидланганидек, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, жамият ҳаётининг энг муҳим масала-муаммоларини пухта ўрганиб, асосли хулосалар тайёрлаш, халқ ва сайловчиларни ўйлантираётган муаммолар ечими юзасидан дадил ва аниқ таклифларни илгари суриш депутатлар фаолиятининг асосига айланмоғи лозим. Шундан келиб чиқиб, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари қонун ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан депутатлик сўровларини амалга ошириш, мансабдор шахсларнинг ҳисоботини эшитиш ҳамда Кенгаш доимий комиссиялари йиғилишларига таклиф киритишда янада фаол бўлиши зарур.

Семинарда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи амалга ошираётган ишлар, режалаштирилган мақсад-вазифалар юзасидан партия гуруҳи раҳбари Отабек Жиянбоев ахборот берди.

— Давлатимиз раҳбарининг видеоселектор йиғилишидаги маърузасида белгилаб берилган устувор аҳамиятга эга мақсад-вазифалар партия ташкилоти ва депутатлик гуруҳимиз томонидан чуқур ўрганилди ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, — деди Отабек Жиянбоев. — Шу асосда бугун қилинган ишларга эътибор қаратсак, ўтган йилга нисбатан сезиларли натижаларга эришилди. Жумладан, ҳисобот даврида партия гуруҳи аъзолари 125 депутатлик сўровини амалга оширди, бу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 55 тага кўпайган. Депутатлик сўровларида кўрсатилган масалаларнинг 105 таси ижобий ҳал этилди. Шунингдек, 16 депутатлик сўровининг ижроси бўйича масала туманларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилди. Уларда ички йўлларни таъмирлаш, қувурларни созлаш, электр симёғочларини янгилаш, кўприкларни таъмирлаш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш, маҳалла гузари учун бино ва болалар майдончаси учун жой ажратиш каби масалалар ўрин олган. Шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш мақсадида сиёсий партиялар воситасида жойларда "марказ – вилоят – туман" тартибида ишлайдиган янги тизимни жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш олдимизда турган долзарб масалалардан ҳисобланади.

Жорий йилда партия гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги ва "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонунларининг Тошкент шаҳридаги ижроси юзасидан сессияга масала олиб чиқиб, қарор қабул қилинишига эришди. Депутатлар ҳозирда маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг Тошкент шаҳридаги ҳолати тўғрисида, оммавий жамоат жойлари, ОАВда ўзбек адабий тили меъёр ва қоидаларига амал қилиниш ҳолати тўғрисида сессияга масала олиб чиқишни режалаштирган. Бу борада депутатлар Тошкент шаҳрида маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳолати юзасидан 11 туманда мониторинг ишларини олиб борди. Ўрганишлар натижасида Юнусобод туманида жойлашган "Юнусобод Оқтепаси" ёдгорлигининг ҳужжатлари, ҳолати билан боғлиқ бир қатор муаммолар аниқланди.

Партиянинг "Уйма-уй", "Депутат билан юзма-юз" ва "Хизмат — беминнат" лойиҳалари доирасида депутатлар ва партия ташкилотлари ҳар бир ҳудуд, маҳалла кесимида турли сабабларга кўра чет элга чиқиб кетган, турли оқимлар таъсирига тушиб қолган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган ёшлар ва уларнинг ота-оналари билан доимий равишда учрашувлар ўтказиб келаётир.

Семинарда сўзга чиққан партия гуруҳи аъзолари Тошкент шаҳрида туризмни янада ривожлантириш, бунда соҳага ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежларидаги таълим жараёнларини, хорижлик сайёҳларга қулайликлар яратиш мақсадида Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти ҳамда Тошкент вокзали фаолиятини ўрганиш, пойтахт шаҳар тарихи музейини ташкил этиш бўйича ўз таклифларини билдирди.

Якунда депутатлар Тошкент шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор вазифалари юзасидан амалга ошириладиган чора-тадбирларни белгилаб олди.

Усмон АБДУРАСУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП ташкилотларида

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Наманган вилоят кенгаши ва халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳининг кенгайтирилган йиғилишида 2016-2017 йилларда Наманган вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури ижроси кўриб чиқилди.

НАМАНГАННИНГ ТУРИСТИК ХАРИТАСИ МАВЖУДМИ?

Дастурда ҳудудда туризмнинг барча турини кенг ривожлантириш, вилоят ва туманлардаги тарихий иншоот, маданий мерос объектлари, сайёҳлик марказлари ҳолатини янада яхшилаш каби вазифалар ҳам ўрин олган. Бундай объектларни қайта реконструкция қилиш, у ердаги хизмат турларини яхшилаш ва кўпайтириш сайёҳлар оқими ортишига олиб келади. Мамлакатимизда туризмни янада ривожлантиришга қаратилган қатор фармон, қарор ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Ҳудудлар учун махсус дастурлар амал қилмоқда. Улар асосида олиб борилаётган ишлар ҳолати назорат қилиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказган видеоселектор йиғилишидаги маърузасида туризмни ривожлантириш, соҳанинг қонунчилик базасини такомиллаштириш, мавжуд қонунлар ижросини назорат қилиш борасида "Миллий тикланиш" демократик партисяси олдида турган устувор вазифалар белгилаб берилди.

— Давлатимиз раҳбари мазкур йиғилишда ҳар бир сиёсий партия ўз дастуридаги вазифалардан келиб чиқиб, ҳамкорлик қиладиган вазирлик ва қўмиталарни аниқлаб олиши, улар билан тизимли ва доимий ишлаши лозимлигини таъкидлаган эди, — дейди халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари О.Маматкаримов. — Шунга мувофиқ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги билан ҳамкорлик меморандумларини имзолаб, тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Ўз навбатида, партиянинг ҳудудий ташкилотлари ҳам мазкур вазирлик ва қўмитанинг ҳудудий бошқармалари билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйган.

Наманган вилоятида кўплаб сайёҳлик манзиллари, тарихий ёдгорликлар, моддий-маданий мерос объектлари мавжуд. Наманган шаҳридаги Мулла Қириғ мадрасаси, Косонсойдаги Мугтепа шаҳристони, Чортоқ туманидаги Султон Увайс Қараний, Поп туманидаги Мунчоқтепа, Тўрақўрғондаги Ахсикент, Уйчи туманидаги Даҳяқота каби муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар шулар жумласидандир.

Йиғилишда вилоятда туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан соҳага дахлдор ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботи тингланди. Таъкидланганидек, ҳудудда ички туризмни ривожлантириш, янги туристик хизматлар ва йўналишларни ишлаб чиқиш, соҳага ахборот технологияларини кенг жорий этиш, сайёҳларга замонавий ва сифатли банк хизматлари кўрсатиш, туризм йўналишида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, янги меҳмонхоналар қуриш каби чора-тадбирлар учун 19 миллиард 716 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган. 22 туризм объектида амалга оширилган ишлар ҳолатини ўрганиш юзасидан халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларидаги партия гуруҳи аъзоларидан иборат масъуллар бириктирилган.

Туризмни янада риволантириш учун кўплаб истиқболли режаларни амалга ошириш режалаштирилган. Хусусан, айни кунларда вилоят кўп тармоқли тиббиёт, кардиология, эндокринология, онкология, перинатал марказлари томонидан тиббий туризмни ривожлантиришга қаратилган таклифлар ўрганилмоқда. Шунингдек, меҳмонхоналарда тиббиёт хоналари ташкил этиш, патронаж ҳамширалари навбатчилигини йўлга қўйиш режаси ишлаб чиқилган.

Хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида Поп, Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон ва Чортоқ туманларида мавжуд электр тармоқлари ва қурилмалари реконструкция қилинмоқда. Тижорат банклари туризм соҳасини ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳаларни молиялаштирмоқда. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида соҳага 3 миллиард 700 миллион сўм кредит маблағлари йўналтирилди.

Йиғилишда соҳада эришилаётган натижалар билан бирга, айрим камчилик ва муаммолар ҳам борлиги таъкидланди.

— Бугун вилоятда 282 маданий мерос объекти рўйхатга олинган. Бироқ маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш давлат инспекцияси уларнинг ягона реестрини тузиш, қайта хатловдан ўтказиш, паспортини яратиш, рус ва инглиз тилларида маълумотлар базасини ишлаб чиқиш юзасидан олиб борган ишларини ҳанузгача ниҳоясига етказмаган, — дейди Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Наманган вилоятидаги ваколатли вакили Ҳ. Ғайбуллаев. — Сайёҳларга қўшимча қулайликлар яратиш учун Наманган халқаро аэропорти ҳамда "Дўстлик" теннис корти мажмуаси биносида Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва "Ўзсаноатқурилишбанк" вилоят филиаллари ташкил этган валюта айирбошлаш шохобчаларида иш фаолияти давомийлиги ва самарадорлиги таъминланмаган. Маданият ва туризм бир-бири билан чамбарчас боғлиқ фаолият. Бироқ вилоятда бу икки тизимнинг ўзаро ҳамкорлигини қониқарли, деб бўлмайди.

Шу боис бугунги йиғилишда вилоятдаги ҳар бир туманнинг туристик харитасини тузиш, туризмни ривожлантириш йўналишида фаолият юритмоқчи бўлган ёш тадбиркорларга имтиёзли кредит маблағлари ажратиш, экотуризм, агротуризм ва этнографик туризмни ривожлантириш, меҳмонхона ва сервис хизматлари имкониятларини кенгайтириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди. Бу эса, ўз навбатида, вилоятга келувчи сайёҳларнинг ортиши, энг муҳими, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Йиғилишда келгусида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар сессияларида тегишли ҳоким ўринбосарлари ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Наманган вилоятидаги ваколатли вакилининг жойларда туризм соҳаси ва сайёҳлик инфатузилмасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳисоботи эшитувини йўлга қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Оқилхон ДАДАБОЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

ИҚТИСОДИЁТНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ — ЎзМТДП ЭЪТИБОРИДА

Юртимиз бой маданий-маънавий мероси, ўтмиш ва замон уйғунлашган шаҳарлари, юксак тафаккур ва турмуш тарзини ўзида акс эттирувчи урф-одату анъаналари, гўзал табиати, сўлим масканлари билан дунё сайёҳларини ўзига тортмоқда. Натижада Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар кўлами йилдан-йилга ошиб бормоқда.



Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Бўстонлиқ туман кенгаши ҳам тарихий, маданий ва маънавий меросимизни асраб-авайлаш, ўрганиш, тарғиб этиш, уларни келажак авлодга бекаму кўст етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Зотан, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, ундан фойдаланиш борасида амалга оширилган ишлар нафақат тарихни ўрганиш, тарғиб қилиш, балки ҳудудда туризмни ривожлантиришга хизмат қилади. Бу борада ташкил этилаётган форум ва маънавий-маърифий тадбирларда соҳа истиқболлари, ёшлар туризми, мазкур йўналишдаги тадбиркорлик фаолияти учун кенг шарт-шароитлар яратиш масалалари ёшлар ва мутахассислар иштирокида муҳокама қилинмоқда.

Ҳудудда туризм соҳасини иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан жадал ривожлантириш, унинг туризм салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш, туризм тармоғини бошқаришни тубдан такомиллаштириш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Заминимиз ўзининг бой тарихи, қадимий осори-атиқалари, ўтмиш ёдгорликлари, бетакрор табиати билан соҳа ривожида муҳим ўрин тутади. Шу боис Бўстонлиқ туманида туризмни ривожлантириш бўйича тегишли ташкилот ва муассасалар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳамда тарихий обидаларни тиклаш ва қайта таъмирлаш, буюк аждодларнинг қадамжоларини обод этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, миллий тарихимизни таълим муассасаларида ўқитиш юзасидан олиб борилаётган ишларни тизимли ўрганиш, бу борада ўқув дастурлари асосида амалга оширилаётган ишлар партия ташкилотларининг диққат марказида. Партия туман кенгаши "Ёшлар қаноти" фаоллари туманимизда ички туризмни ривожлантириш мақсадида ҳудудда бунёд этилган иншоотлар, тарихий қадамжо ҳамда обидаларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига ёшларни кенг жалб этмоқда.

Хусусан, партия фаоллари, депутатлар ва ёшлар ҳар йили Бўстонлиқ туманида жойлашган тарихий обидалар, хусусан, Шайх Умар Валий Боғистоний зиёратгоҳида бўлиб, ушбу тарихий обидани ҳашар йўли билан ободонлаштиришга кўмаклашиб келади. Қадамжони таъмирлаш, кенг ва обод зиёратгоҳга айлантириш, зиёратчиларга зарур шароитлар яратиш, ноёб манзарали дарахт ва гулларга бурканган маънавий-маърифий масканлардан бирига айлантириш доимий диққат эътиборимизда.

Шайх Умар Валий Боғистоний 1230 йилда таваллуд топган ва 90 йил умргузаронлик қилган. У ўз даврининг йирик авлиёси ҳисобланиб, мусулмон оламида таниқли алломалардан бўлган.

Мустақилликдан сўнг бу муқаддас қадамжо қайта тикланиб, ободонлаштирилди. Бу ерга келувчи хорижлик сайёҳлар ва юртдошларимиз сони йилдан-йилга ошиб бормоқда.

Туманда туризм индустриясини анъанавий маданий-тарихий сайёҳлик билан бирга, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, ишбилармонлик туризми, спорт ва даволаниш-соғломлаштириш каби янги салоҳиятли турлар ҳисобига ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Соҳада кўрсатилаётган хизмат турларини кўпайтириш ва сифатини замон талабларига мослаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётир. Туризм масканларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, замон талаблари даражасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш шароитлари яратилаяпти.

ЎзМТДП туман кенгаши ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи жорий йилнинг тўртинчи чорагида туманда туризм, айниқса, ички туризм салоҳиятини ривожлантириш масаласини халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига олиб чиқишни режалаштирган. Бу партия сайловолди Платформасидаги сайёҳлик инфратузилмасининг янада ривожланиши, сайёҳлар учун мўлжалланган объектларнинг ҳар томонлама мақбул бўлишини таъминлаш, хорижлик меҳмонлар учун мамлакатимизнинг халқаро нуфузини, мафтункорлигини оширишда асосий омил бўлган туристик фаолият манзилларида хизматлар сифатини яхшилаш каби мақсадлар ижросига хизмат қилади.

Соҳада бундай амалий ишларнинг олиб борилиши Бўстонлиқ туманига келувчи сайёҳлар оқимининг ортиши, шунингдек, аҳоли бандлиги таъминланишига ҳисса бўлиб қўшилади.

Жаҳонгир НУРМЕТОВ,
ЎзМТДП Бўстонлиқ туман кенгаши раиси

Мулохаза

"ТАШРИФ ҚОҒОЗЛАРИ" — СОҲА РИВОЖИДА МУҲИМ ОМИЛ

"...Дунёда сайёҳлик салоҳияти юқори ва жадал ривожланаётган давлатлар кўп эмас. Чунки мазкур соҳа фаолиятини йўлга қўйиб, сайёҳларни мамлакатга жалб қилиш, уларга юқори сифатли сервис хизмати кўрсатиш осон эмас. Бунинг бир қатор талаблари, халқаро стандартлари бор. Аввало, мамлакатда тинчлик-осойишталик таъминлангани, ҳудуднинг табиий иқлим шароити, тарихий-маданий обидаларру бутун инсониятнинг бойлиги бўлган осори-атиқалар, қадрият ва анъаналарнинг мавжудлиги каби жиҳатлар эътиборга олинади. Шу нуқтаи назардан бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон сайёҳлигининг йирик марказларидан бирига айланиб, дунёда юртимизга қизиқиш тобора ортиб бораётгани бежиз эмас. Мамлакатимиз сайёҳлик кўлами ва тарихий қадамжолари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн давлат қаторида туради. Бундай бой маданий мерос Бухорода ҳам жуда кўп...".



Бу — Бухоро давлат университети тарих факультети ўқитувчиси, изланувчан ёш олим Шавкат Бобожоновнинг дил сўзлари.

Ҳа, бугунги кунда сайёҳлик замонавий иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларидан биридир. Яъни туризм соҳаси даромад нуқтаи назаридан халқаро рейтингда автомобиль ҳамда нефть-газ саноатидан кейин учинчи ўринда туради. Дунёда 200 миллиондан зиёд киши ушбу тармоқда меҳнат қилаётир.

Мамлакатимизда ҳам туризм тобора жадал ривожланмоқда. Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий обидалари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган. Мамлакатимизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, замонавий иншоотлари, хушманзара табиати, бетакрор маданияти ва анъаналари жаҳон сайёҳларини ўзига ром этаётгани бежиз эмас. Мамлакатимизда етти мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларимиз бутун дунёда қадрланади. Биргина ўтган йили мамлакатимизга 2 миллиондан кўпроқ сайёҳ келди. Албатта, бу яхши кўрсаткич. Лекин мамлакатимизнинг туризм соҳасидаги салоҳиятига мос эмас.

Мамлакатимизнинг барча шаҳарлари сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга. Хусусан, очиқ осмон остидаги музей дея эътироф этиладиган, ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган, қарийб уч минг йиллик тарихга эга Бухоро Ғарб ва Шарқ тамаддунида муносиб ўрин тутиб, маданиятлар чорраҳасида янада тараққий этмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Бухоронинг кўҳна ва боқий шаҳар, деб аталишида катта маъно бор. Бу ердаги қадимий обидалар, осори-атиқалар, халқимизнинг бетакрор қадриятлари, ўлмас анъаналари асрлар оша яшаб келмоқда. Чет элликларнинг, тарихчи ва мутахассисларнинг уларга қизиқиши доимо юқори бўлган. Бундан унумли фойдаланиш керак".

— Ўзбекистоннинг тарихи жуда бой ва бетакрордир, — дейди Шавкат Бобожонов. — Мамлакатимиз турли цивилизация ва маданиятлар ўзаро туташган муҳим чорраҳа, умуминсоний тараққиётга беқиёс ҳисса қўшган диёр сифатида бутун дунёга танилган. Юртимиз тарихини атрофлича ўрганиш мобайнида аниқланган Буюк ипак йўлига оид ноёб маълумотлар тарих, археология каби фанларнинг янада бойиши ва кенгайишида алоҳида аҳамият касб этади.

Туризмни ривожлантириш, сайёҳлар оқимини кўпайтиришда реклама-ахборот фаолиятини амалга ошириш муҳим ўрин тутади. Мадомики шундай экан, мавжуд сайёҳлик салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда, сайёҳларни юртимизга янада кенгроқ жалб қилиш учун, энг аввало, уларга бой маданий меросимиз, шонли тарихимиз ҳақида кенг маълумот беришимиз керак. Масалан, замонавий меҳмонхоналар қурилиб, янги сайёҳлик йўналишлари очилди, дейлик. Энди уни тарғиб қилиш, харидор топиш керак. Оддий айтганда, ҳеч биримиз таклиф қилинмаган жойга боришни хушламаймиз. Шундай бўлгач, бизнинг асосий вазифамиз — юртимизнинг "ташриф қоғозлари"ни кўпайтириш, турли воситалар орқали сайёҳлар учун махсус таклифномалар яратишдан иборат бўлмоғи лозим. Агар бу вазифани муваффақиятли бажара олсак, энг аввало, минглаб янги иш ўрни яратилади, қолаверса, мамлакат обрўси янада юксалишига, юртимизга келаётган сайёҳлар сони мунтазам кўпайиб боришига хизмат қилади...

Шавкат Бобожонов 1993 йили Бухоро шаҳрида туғилган. Бухоро давлат университети тарих факультетининг бакалавриат ва магистратура босқичларини имтиёзли диплом билан тамомлаган.

— Бухоро дунё аҳлида жуда катта қизиқиш уйғотадиган қадимий шаҳарларимиздан бири ҳисобланади, — дейди унинг илмий раҳбари, тарих фанлари номзоди, доцент Манзила Қурбонова. — Шу боис уни кўриш, кўп минг йиллардан буён қад кўтариб турган минораю мақбараларни томоша қилиш учун келаётган сайёҳлар сонини кўпайтиришимиз керак. Шогирдим юртимиз туризм салоҳиятини юксалтириш борасида тинимсиз меҳнат қилмоқда. Унинг ҳаракатларини қўллаб-қувватлашимиз, яқиндан кўмак беришимиз лозим. Бу, албатта, Ватанимизнинг туристик салоҳиятини юксалтириш учун қўшган ҳиссамиз бўлади...

Ўқиш ва тинимсиз изланиш, юртимиз тарихига бўлган қизиқиш ва касбига муҳаббати ўз натижаларини бера бошлади. У 2015 йили бўлиб ўтган "Жамият ва мен" кўрик-танловининг республика босқичида "Тарихий ва маданий мавзуда ёзилган энг яхши материал" йўналиши бўйича ғолиб бўлди. Унинг Бухоро тарихидан сўзловчи мақолалари Россия, Украина, Япония каби дунёнинг бир қатор давлатлари оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилинган.

Ёш олим Бухоро тарихидан сўзловчи, олти йиллик илмий изланишлар маҳсули бўлмиш "Шариф шаҳар ёдгорликлари" китоби, иккита илмий рисола, 50 дан ортиқ мақолалар муаллифи. "Бухорога келган моҳар олими ёхуд Ҳерман Вамбери", "Бухоро девори", "Шарқнинг шойи ипаклар бозори", "Ўрта Осиёдаги биринчи дорихона", "Сиёвушнинг сирли саройи", "Чиройига чорлар Чорминор" каби илмий мақолалари юртимизга келаётган сайёҳларнинг ватанимиз ҳақидаги тасаввурларини бойитишга ўзининг ижобий таъсирини кўрсатган.

Япония-Ўзбекистон дўстлик жамиятининг "Фукока" газетасида Шавкат Бобожоновнинг "Моҳи Хосадаги чинни буюмлар" номли илмий мақоласи чоп этилгани кунчиқар юртда шонли тарихимизни тарғиб этишда ўзига хос реклама вазифасини бажарди, дейиш мумкин.

— Биз меҳмонларга нафақат сифатли хизмат кўрсатишимиз, балки уларга мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари, халқимизнинг бой урф-одатлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар беришимиз зарур, — дейди гид-таржимон Бахшида Юнусова. — Ёш олимнинг мақоласи сабаб Японияда вилоятимизга 50 кишидан иборат сайёҳлар гуруҳи келгани чет элликларнинг, тарихшунос ва мутахассисларнинг юртимизга қизиқиши доимо юқори бўлганини кўрсатади. Сайёҳларга ҳамроҳлик қилиш жараёнида шуни англадимки, халқаро миқёсда мамлакатимиз нуфузини ошириш бўйича оммавий ахборот воситаларида кенг тарғибот ишларини олиб бориш бунда салмоқли ўрин тутар экан. Мақолада тилга олинган жойларни кўриб, сайёҳлар ҳайратини яширолмади — икки кунлик саёҳат билан келган меҳмонлар беш кунга қолиб кетди.

— Дарҳақиқат, қадимий шаҳарларимиз, юртимизнинг гўзал табиатини бир марта кўришни орзу қиладиганлар жуда кўп, — дейди Шавкат Бобожонов. — Шунга монанд бугун вилоятимизда мисли кўрилмаган янгиланиш ва ўзгаришлар рўй бермоқда. Бунинг, айниқса, хорижликлар томонидан эътироф этилиши, ҳар қандай инсонга чексиз фахр ғурур бағишлайди. Ҳозирда Бухоро давлат университети талабаларига сабоқ беришдан ташқари "Бухоро миноралари" ва Баҳоуддин Нақшбанд тарихига оид илмий асар устида иш олиб бормоқдаман. Мақолаларим хорижий илмий нашрларда чоп этилса, ўйлайманки, бу юртимизнинг меъморий ёдгорликлари, бой тарихи, ноёб маданий мероси ва ўзига хос анъана ва урф-одатлари тўғрисида жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг улкан туризм салоҳияти билан кенгроқ таништириш, истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ҳисса бўлиб қўшилади. Бундай ахборотлар орқали меҳмонлар Ўзбекистоннинг шонли тарихи, маданий ва меъморчилик мероси, мамлакатимизда мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, туризм инфратузилмасини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида маълумотга эга бўлади.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
44 (476) 2017 йил 25 октябрь, чоршанба

Бугуннинг гапи

ФОЙДАСИДАН ЗАРАРИ КЎП

ҚУВВАТ УЛАШУВЧИ ИЧИМЛИКЛАР

Инсон — робот эмас. Ҳаётда турли юмуш билан шуғулланар экан, албатта, чарчоқ бўлиши табиий. Аслида "ҳордиқ" тушунчаси айнан ҳориш, чарчаш ва уни бартараф этиб, янги куч-ғайратга тўлишини билдиради. Сўнгги пайтларда чарчоқ ёзиш деганда кўп ёшларимиз қўшимча қувват берувчи ичимликлар истеъмолини тушунадиган бўлиб қолди.



Илгари ақлий меҳнатдан чарчаганлар жисмоний ишни ёки танаси толиққан киши ухлаш, китоб ўқиш, бирор фильм томоша қилиш ёхуд мусиқа тинглашни танлаган бўлса, ҳозир кўпчиликнинг, айниқса, ёшларнинг қўлида турли энергетик ичимликларни кўриш мумкин.

Ҳар бир нарсанинг фойдали ва зарарли жиҳатлари мавжуд. Мазкур ичимликлар ҳам бундан мустасно эмас. Бироқ унинг фойдасидан зарари кўпроқ эканини халқаро экспертлар алоҳида таъкидлашмоқда. Энг ёмони қувват берувчи ичимликларни доимий истеъмол қилиш замонавийлик белгиси сифатида талқин этилаётганида. Энергетик ичимликларнинг асосий мижозлари — ёшлар. Бундай ичимликларни организм талаб қилса-қилмаса, "мода" ортидан қувиб, ҳар куни қувват берувчи ичимликлар истеъмол қилишни канда қилмайдиган ёшлар кўпайиб бораётгани таассуфлидир. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқарувчилар уларни асосан ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишга эътибор қаратади. Зеро, бундай маҳсулотларни сотиш орқали мўмай даромад топиш мақсад қилинади, холос.

Бундай ичимликларнинг зарари ҳақида гапиришдан аввал унинг тарихига қисқача тўхталиб ўтиш жоиз. Замонавий футболда ўйинчиларнинг энергетик ичимликлар истеъмол қилиши одатий ҳол. Буни қарангки, бу ичимликларнинг "ватани" ҳам худди футбол каби Англия ҳисобланади. 1938 йилда инглиз тадбиркори Смит-Кляйн Бичамон спортчилар учун "Lukozade" деб номланган қўшимча қувват бағишлайдиган ичимлик ишлаб чиқаради. У кайфиятни кўтариб, чарчоқни йўқотадиган жиҳати туфайли тез сотиларди. Кейинчалик — 1962 йилда Японияда ҳам шунга ўхшаш ичимлик тайёрланади. Ва ўшандан бошлаб Осиё мамлакатларида бундай ичимликлар урфга кира бошлади. Европада энергетик ичимликлар сал кечроқ оммалашган. Австриялик тадбиркор Дитрих Матешец Гонконгга хизмат сафари давомида қувват берувчи ичимликдан илк бор татиб кўради ва 1984 йилда ўзи Европада шундай маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилади. Уни "Red Bull" деб номлайди ва бугун мазкур ичимлик дунёдаги машҳур брендга айланган. Ҳозирда "Red Bull"дан ташқари "Jaguar", "Real Gold", "SoBe" каби энергетик ичимликлар бутун дунёда кенг истеъмол қилинмоқда. Бироқ бугунги глобаллашув даврида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга, унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда.

— Қувват берувчи ичимлик деб аталса-да, аслида улар ҳеч қандай қўшимча қувват бермайди, — дейди Тошкент тиббиёт академияси ички касалликлар кафедраси доценти Ҳилола Мираҳмедова. — Аксинча, улар инсон танасидаги захира қувватнинг ишга тушишини таъминлаб, инсонни бир муддат тетиклаштиради, холос. Энергетик ичимликларни мунтазам истеъмол қилиш танадаги захира қувват манбалари етишмаслигига олиб келади. Бир муддат қувват ҳадя этиш орқали одамнинг қувват захираси бўшаб қолади. Бу кейинчалик асаб тизими ишдан чиқиши, модда алмашинуви бузилиши, ҳолдан тойиш, ухлолмаслик, депрессия ҳолатларини келтириб чиқаради. Айниқса, ёш, ўсиб келаётган организм учун жиддий зарар етказиши аниқ. Бундай ичимликлар таркибидаги хавфли моддалар туфайли айрим тоифадаги кишилар, хусусан, вояга етмаган ёш болалар, ҳомиладор аёллар, гипертония, юрак-қон томирлари, уйқу бузилиши хасталикларига учраган, кофеинга таъсирчан кексалар учун уни истеъмол қилиш мутлақо тақиқланади.

Таркибида кофеин миқдори юқори бўлган энергетик ичимликлар рекламаси, маркировкаси, сотилиши ва истеъмол қилиниши чеклови бўйича халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, айни вақтда қатор давлатларда, жумладан, АҚШнинг Вашингтон, Кентукки ва Мичиган штатларида, Бирлашган Араб Амирликлари, Дания, Исландия, Колумбия, Қувайт, Латвия, Литва, Мексика, Норвегия, Саудия Арабистони, Туркия, Уругвай, Франция ва Россия Федерациясининг 38 та субъектида бу каби ичимликларни вояга етмаганлар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар, асаб ёки юрак касалликлари мавжуд беморларга сотиш қатъиян ман этилган.

Озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича Европа агентлиги маълумотларига кўра, 18-29 ёшда бўлган ёшларнинг 70 фоизи энергетик ичимликларни алкоголь маҳсулотига қўшиб истеъмол қилиши маълум бўлди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу усул алкоголнинг ўзидан заҳарланишдан кўра хавфлироқ. Сабаби қувват берувчи ичимлик одамни тетиклаштирса, спиртли ичимликлар аксинча, ҳолдан тойдиради. Қолаверса, кофеин моддаси мастлик даражасини билишга имкон бермайди. Натижада инсон ичимлик меъёрини назорат қилиш имконига эга бўлмайди.

Австралиянинг Деакин университетида таркибида кўп миқдорда кофеин моддаси бўлган энергетик ичимликларни истеъмол қилиш, унинг болалар ва ўсмирлар саломатлигига салбий таъсири масалаларини халқаро миқёсда ўрганишга бағишланган биринчи халқаро конференция ўтказилди. Конференция иштирокчилари бўлган олимлар, соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари ва вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича масъул ходимлар хулосаларига кўра, энергетик ичимликларни доимий равишда истеъмол қилиш вояга етмаганларда юрак хуружлари, ваҳима, кўриш қобилияти сусайиши ва ақлий нуқсонлар юзага келишига сабаб бўлишини билдирганлар.

Мериленд университети ходимлари йигирма ёшлар атрофидаги йигитларни беш йил давомида кузатиб борди. Маълум бўлишича, таркибида кофеин миқдори кўп бўлган энергетик ичимликларни мунтазам истеъмол қилувчилар келажакда руҳий фаоллаштирувчи моддаларни тез-тез қабул қила бошлайди. Жумладан, энергетик ичимликларга ружу қўйган шахслар 25 ёшларида меъёридан ортиқ алкоголь ичишни ва гиёҳванд моддалар (масалан, кокаин) қабул қилишни бошлар экан.

— Энергетик ичимликлар спортчилар учун бирор фойда келтиради, деб айта олмайман, — дейди Ўзбекистон ҳаваскор ва профессионал кикбоксинг ассоциацияси бош мураббийи Рашид Акалбоев. — Айрим шогирдларим дастлабки машғулотлар жараёнига энергетик ичимликларни ўзи билан олиб келганининг гувоҳи бўлганман. Шу заҳотиёқ уларга бу каби ичимликлар спортчи учун фойдасиз эканини тушунтирганман. Ўйлаб қаралса, одам спорт билан соғлом бўлиш, танасини чиниқтириш, куч-қувват тўплаш учун шуғулланади. Агар қувват берувчи ичимликлар истеъмол қилинса, машғулотларнинг инсон танасига таъсири сезилмай қолади. Чунки машғулот вақтида энергетик ичимлик таъсирида бўласиз, бу ҳолатда мушакларингиз берилган вазифани қийналмай бажариши мумкин бўлади. Таъсир йўқолганидан кейин эса сиз ҳам қўшимча қувватингизни йўқотасиз, бу жисмоний машғулотлар сизга фойда беришини чеклайди.

Энергетик ичимликларни "уларни ичиш — бу жуда зўр танлов, бу замонавийлик белгиси, уни ичсанг, албатта, омадинг чопади, қувватинг ошади, ўзингни яхши ҳис қиласан, ҳаётингда сен хоҳлагандек ҳамма нарса бир зумда амалга ошади. Бир сўз билан айтганда, бу ичимлик — муваффақиятингнинг ҳақиқий қувватидир каби сўзлар билан реклама қилиш ҳам бугунги ёшларда мазкур ичимликларни татиб кўришга мойиллигини оширмай қўймайди. Айниқса, маъмурий бинолар, таълим муассасалари, спорт залларига яқин жойларда юқорида келтирилган сўзлар ёзилган реклама баннерларига, албатта, биринчи бўлиб ёшларнинг кўзи тушиши тайин.

Бугунги кунда қувватбахш ичимликларни кўпроқ тунда ишлайдиган, вазифаси мушкул бўлган офис ходимлари, узоқ йўл босувчи ҳайдовчилар, эртанги имтиҳонга улгуриш учун туни билан тайёрланишга киришган талабалар истеъмол қилишни одат тусига айлантирмоқда. Мазкур ҳолатларни ўрганиш мақсадида жорий йилнинг 7-8 сентябрь кунлари ЎзМТДПнинг "Ёшлар қаноти" фаоллари пойтахтимизнинг 10 га яқин йирик савдо марказларида ҳамда таълим муассасаларида қувват берувчи ичимликларни истеъмол қилиш бўйича сўровнома ва тадқиқотлар ўтказди. Унинг натижасига кўра, энергетик ичимликларни татиб кўрган ўқувчилар сони 60 фоиз ва уни "шунчаки қизиқиш учун" ичганлар сони 35 фоизни ташкил этди.

— Сўнгги пайтларда барча соҳалар каби озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш соҳасида ҳам бу каби янгиликлар кўзга ташланмоқда ва ҳаётимизга жадаллик билан кириб келмоқда, — дейди ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Шуҳрат Тўхтабоев. — Хусусан, одамларга энергетик қувват берувчи ичимликларнинг турлари кундан кунга кўпайиб бормоқда. Бугуни кунга келиб, энергетик ичимликларни таркибига рухсат этиладиган моддаларнинг ҳамда истеъмол қилишнинг меъёрларини белгилаш эҳтиёжи туғилди. Шу муносабат билан миллий қонунчилигимизда энергетик ичимликка таъриф бериш, уларни реализация қилиш ҳамда реклама қилишни тартибга солиш билан боғлиқ меъёрларни киритиш бўйича "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Унга кўра, "Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги ва "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Бу ичимлик "ҳадя" қилган қувват доимий бўлмай, сиз ўзингизни маълум муддатга яхши кайфият ва қувватли, урса, тоғни талқон қилгудек ҳис қиласиз. Бироқ бор энергиянгизни оз муддатга йиғиш, Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, атом кучини ўтин ёришга сарфлаш билан тенг. Маълум вақт ўтгач, ўзингизни аввалгидан-да ҳорғин ҳис қилишингиз ҳақида ўйлаб кўрмайсиз. Ўзингизни бундай ҳис қилишингизнинг сабаби сизнинг қувват заҳирангиз қолмаганидадир.

Бундай ичимликлар юртимиз дўконларида ўртача 7-12 минг сўм атрофида сотилмоқда. Ваҳоланки, бозорларимизда бир килограмм олма, нок ёки анорни ўртача 4-5 минг сўмга харид қилиш мумкин. Қувватбахш ичимликлардан фарқли равишда мева-чева ва полиз маҳсулотлари инсон организми учун фойдали витаминларга бой. Улар организмни керакли витаминлар билан таъминлаш, овқат ҳазмини яхшилаш, камқонлик ва руҳий толиқишнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Серқуёш юртимизда етиштирилган мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари мазаси ва фойдали элементларга бойлиги билан хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Халқаро экспертлар фикрича, Ўзбекистонда етиштирилган боғ ва полиз маҳсулотлари бебаҳо истеъмол хусусияти, яъни таркибида табиий шакар, амино ҳамда органик кислоталар, саломатлик учун муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан ажралиб туради. Бу эса ҳар қандай энергетик ичимликдан афзалдир. Шундай экан, бундан ичимлик ишқибози ҳам чўнтагига, ҳам соғлиғига зарар етказади.

Ўтказилган таҳлилларга кўра, айримлар қувват берувчи ичимликларни доимий истеъмол қилиш замонавийлик белгиси, деб ҳисоблар экан. Бундан келиб чиқадики, биз бугун глобаллашув, "оммавий маданият"нинг зарарли жиҳатлари ортидан кўр-кўрона эргашаяпмиз, миллий қадрият, анъана, ўзликни англаш каби тушунчалардан йироқлашмоқдамиз. Шу сабабли қонун лойиҳасини ишлаб чиқишдан мақсад қувват берувчи ичимликларнинг истеъмолини тартибга солиш ҳамда уни реклама қилиш, вояга етмаганларга сотилишининг олдини олишдан иборат. Бу эса, ўз навбатида, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш ва генларни модификация қилиш усулидан фойдаланишни чеклашга кўмаклашиш вазифалари ижросига хизмат қилади.

Ялтираб кўринган ҳамма нарса ҳам олтин бўлмаганидек, суний тайёрланган ҳеч бир маҳсулот табиат инъом этган сархил мевалар каби инсон организми учун фойдали бўла олмайди. Соғлиқ эса сотиб олиб бўлмайдиган бебаҳо бойлик. Уни асраш эса ҳар бир инсоннинг ўз қўлида.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
Мухтор АБДУЛЛАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбирлари

Миллий гурур

Спорт кишидан нафақат жисмоний куч, балки ақлий тафаккурни ҳам талаб этади. Унинг шундай турлари борки, спортчининг жисмоний ҳолати қанчалик яхши бўлмасин, ўз кучини тақсимлаш, рақиб имкониятларини инобатга олиш ва қай пайт иқтидорини намоён этишни билмас экан, галабага эриша олмайди. Армрестлинг ҳам ана шундай спорт турларидан биридир.

НАЗОКАТНИНГ КУЧЛИ ҚЎЛЛАРИ

Унда икки спортчи махсус столда тирсагини таянчдан узмасдан бир-бирининг қўлини қайириб, мушти сиртини столга теккизиш учун баҳс олиб боради. Армрестлинг қадимий куч синашиш турларидан бири бўлишига қарамасдан у XX асрнинг 50-йилларига келибгина, АҚШдаги олис масофага қатновчи автомобиль ҳайдовчилари ўртасида спорт тури сифатида шаклланди. 1962 йилда эса Жаҳон армрестлинг федерациясига асос солинди. Шундан буён ҳар йили эркаклар, аёллар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатлари ташкил қилинади. Бу спорт тури АҚШ, Грузия, Россия, Украина, Қозоғистон, жумладан, юртимизда ҳам яхши ривожланган.

Шу йилнинг 2-11 сентябрь кунлари Венгриянинг Будапешт шаҳрида спортнинг армрестлинг тури бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида спортчиларимиз муваффақиятли иштирок этиб, 5 олтин ва 2 кумуш медални қўлга киритди.

Чап ва ўнг қўлда ўтказилган баҳсларнинг олтин медалига сазовор бўлган Назокат Солиева Ўзбекистон қизлар терма жамоасининг 61 давлат спортчилари орасидан умумжамоа ҳисобида 3-ўринни эгаллашига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Спортчиларимизнинг бу ғалабаси Ўзбекистон армрестлинги тарихидаги энг юқори натижа бўлди.

...Назокатнинг спортга бўлган қизиқиши болалигидан бошланган. Мактабда адабиёт ўқитувчисининг шиддати ва жасорати йигитларга ҳам намуна бўлгулик мард момомиз Тўмарис ҳақидаги ҳикоялари унинг ўй-хаёлини бутунлай эгаллаб олган эди. Ёв қаршисида бўйин эгмайдиган, юртни ёғий қўлига бериб қўйишни ор билган жасорат тимсолини ўзи учун ҳақиқий намуна сифатида билган Назокат спортнинг армрестлинг тури билан жиддий шуғулланиб бошлайди.

— Ростини айтсам, қизимизнинг бу спорт билан шуғулланишига бошда бироз қаршилик қилганмиз, — дейди Назира опа Йўлдошева. — Чунки армрестлингни асосан йигитларга хос спорт, деб ўйлардик. Кейин ундаги интилиш ва шижоатни кўриб, машғулотларга қатнашиши ва ўз устида тинимсиз ишлаши учун қўлимиздан келганча кўмаклашдик. Назокатдаги йигитларга хос шиддат ва матонат унинг бугунги ғалабасига замин яратди.

Ҳа, инсон қалбидаги эзгу мақсад тинимсиз ҳаракат, машаққат ва изланишлар билан рўёбга чиқади. Бу кишидан метин сабр-матонат, кучли ирода талаб этади. Қаҳрамонимиз Назокат ҳам мана шундай сифатларни ўзида мужассам этган.

— Мақсад — келажак томон элтувчи йўл, мен катта мақсад ва улкан орзулар билан улғайдим, — дейди Назокат. — Мана шу орзуни рўёбга чиқариш йўлида чекилган заҳматлар, албатта, бесамар кетмади. Дунё ареналарида ўз сўзини айта олаётган ёшларимиз сафида эканимдан ғурурланаман. Бир нарса мени доимо қувонтиради. Юртимизда ҳар бир инсоннинг ўз иқтидор ва истеъдодини намойиш этиши учун барча шароит яратилган. Бу — кўплаб халқаро мусобақаларда зафар қучаётган ҳамюртларимизни кўрган дунё спортчи ва мураббийларининг гапи.

Спортда чиниққан инсон ҳаётнинг барча мураккабликларини ҳам енгиб ўт олади. Шу маънода спортнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳам ортиб бораверади. Ёшларимизнинг қитъа ва дунё миқёсида ўтказилаётган мусобақаларда эришаётган қатор ютуқлари мамлакатимизда спортга бўлган эътибор ҳамда муносабатнинг кучли эканлигидан далолат. Бундай имкониятдан Назокат ва унинг тенгқурлари унумли фойдаланиб, Ватан байроғи ва шаънини кўкларга кўтармоқда.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

МММда

ИХТИРОЧИ АЁЛЛАР УЮШМАСИ

КАШФИЁТЧИ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШТИРАДИ

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси олима аёлларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш, инновацион ишланмаларини амалиётга татбиқ этишга кўмаклашиш, ихтирочилик фаолиятини фаоллаштириш, интеллектуал мулк эгаларининг ҳуқуқларини ҳимоялашга доимий эътибор қаратмоқда. Қўмита қошида турли соҳада фаолият юритаётган ва иқтисодиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган хотин-қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ихтирочи аёллари уюшмаси ташкил этилган.

Бу ҳақда Миллий матбуот марказида "Иқтисодиётимиз тараққиётида ихтирочи хотин-қизларнинг ўрни" мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Мазкур уюшманинг асосий вазифаси — иқтидорли хотин-қизларнинг фан ва техника тараққиётининг барча йўналиши бўйича илмий-амалий изланишлари ҳамда инновацион ишланмаларини самарали амалга оширишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, янги техника, технология ва рақобатбардош маҳсулотларни яратишларида уларга кўмаклашишдан иборат.

— Аёл нафақат оила бекаси, балки жамиятнинг фаол аъзосидир. Шу боис чекка-чекка туманларда истиқомат қилаётган иқтидорли хотин-қизларни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш фаолиятимиз асосини ташкил этади, — деди Ихтирочи аёллар уюшмаси раиси, профессор Карима Норқулова. — Ҳар қандай ёшдаги, маълумотидан қатъи назар, иқтидорли, янги лойиҳаларни амалиётга татбиқ этишни истаган хотин-қизлар уюшмамизга аъзо бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда илм-фан билан шуғулланаётган хотин-қизлар сафи тобора кенгайиб бормоқда: 6 академик, 600 дан зиёд фан доктори, қарийб 5 минг фан номзоди илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида самарали меҳнат қилмоқда. 2013-2017 йилларда интеллектуал мулк объектларига ҳуқуқий ҳужжат олган хотин-қизлар 368 нафарни ташкил этди.

Қўмита мазкур уюшма ташкил этилгани муносабати билан "Ўзбекистон аёлларининг 100 та энг яхши инновацион лойиҳаси" Республика танловини ўтказишни кўзда тутмоқда. Унда олималар, иқтидорли талаба ва ўқувчи-қизлар, муҳандис, ихтирочи, рационализатор аёллар, конструкторлар ўз инновацион лойиҳалари билан қатнашиши мумкин. Танлов учун ҳужжатлар жорий йилнинг 10 ноябрига қадар қабул қилинади.

Тадбирда танловнинг аҳамияти, мақсади, босқичлари, номинациялари, олима аёллар билан биргаликда олиб борилаётган янги лойиҳалар хусусида батафсил маълумот берилди. Журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т. Норбоева сўзга чиқди.

Нигора НИШОНБОЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Одамлар куз-қиш мавсумида, айниқса, ис гази ва овқатдан заҳарланишдан эҳтиёт бўлиши керак. Ўзбекистон Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакиллари Миллий матбуот марказида ўтказган анжуман шу икки масалага бағишланди.

ҲАР ҚАНДАЙ КЎНГИЛСИЗЛИК — ЭЪТИБОРСИЗЛИКДАН

Вазирлик матбуот хизмати раҳбари Р. Мирзатоев ва бошқалар жорий иситиш мавсумида фавқулодда вазиятларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида кенг кўламли профилактик ишлар олиб борилганини таъкидлади. Жумладан, қиш мавсумига тайёргарлик доирасида идораларо гуруҳлар томонидан 1 минг 267 қўшма рейд амалга оширилди, 4 минг 136 бозор ва 25 минг 903 ишлаб чиқариш корхонаси қозонхоналари текширувдан ўтказилди, 14 минг 118 мактаб ва мактабгача таълим муассасаси, 16 минг 557 тиббий муассаса, 1 минг 83 театр ва бошқа маданият ўчоқлари кўрикдан ўтказилди.

Натижада 309 маъмурий жарима чораси қўлланилди, 6 минг 182 объект фаолияти вақтинча тўхтатилди, 2 минг 115 ностандарт ва қўлбола иситиш ускуналари сотувдан олиб ташланди, 1 минг 378 объект фаолияти бутунлай тўхтатилди, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимиятларига 79 тақдимнома киритилди.

— Фуқаролар ўртасида ис газидан заҳарланиш, ҳаво-газ аралашмаси чақнаши билан боғлиқ фавқулодда вазиятларда муаммога ечим топиш соҳа ходимларидан катта масъулият талаб этади, — деди вазирликнинг радиацион, кимёвий ва биологик муҳофаза бошқармаси бошлиғи З. Қиличев. — Бунда албатта, фуқаролардан ҳам ҳушёрлик, иситиш мавсуми бошланиши олдидан печлар, сув иситиш колонкаларининг, мўриконларининг тозалиги ва носоз, ностандарт иситиш воситаларидан фойдаланмаслик талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги давлат санитария-эпидемиологик назорат маркази овқатланиш гигиенаси бўлими бошлиғи Қамариддин Боқиев юртимизда ботулизм ва шу каби озиқ-овқатдан заҳарланиш профилактикаси доирасида ўтказилаётган тадбирлар ҳақида маълумот берди. Умумий овқатланиш соҳасида ҳануз озиқ-овқатдан заҳарланиш ҳоллари учраётганини қайд этилди.

Ботулизм кенг тарқалишининг сабабларидан бири уй шароитида тайёрланган консерва маҳсулотларидир. Сифати ёмон консерва маҳсулотларини аниқлаш ва уларнинг санитар ҳолати мониторингини амалга ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассислари кўмаги билан 25 мингдан ортиқ деҳқон хўжаликлари, 500 дан зиёд бозор ва умумий овқатланиш шохобчалари текшириб чиқилиб, талабга жавоб бермайдиган маҳсулотлар йўқ қилинди.

Хулоса шу бўлдики, ҳар қандай кўнгилсизлик эътиборсизликдан келиб чиқади. Шундай экан, қиш эшик қоқаётган паллада айниқса, ис гази ва овқатдан заҳарланишдан эҳтиёт бўлиш нафақат оиламиз, балки бошқаларнинг ҳам ҳаётига хавфни камайтиради.

Ўз мухбиримиз

Бизнинг шарҳ

ГЕРМАНИЯ ПАРЛАМЕНТИ

БУНДЕСТАГГА ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ ДЕПУТАТЛАР, БУНДЕСРАТ ЁКИ ҲУКУМАТ АЪЗОЛАРИ КИРИТАДИ

Германия Федератив Республикасининг амалдаги Конституцияси 1949 йил 23 майда қабул қилинган бўлиб, шу кунгача унга бир неча бор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Марказий Европада, Шимолий ва Болтиқ денгизлари соҳилида жойлашган бу давлатнинг майдони 357 минг квадрат километр, аҳолиси — 82 миллиондан зиёд. Пойтахти — Берлин шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 16 ер (вилоят)га, ерлар округларга, округлар туманларга, туманлар жамоаларга бўлинади. Давлат бошлиғи — Федерал президент. Уни махсус чақириладиган федерал мажлис беш йил муддатга сайлайди.



Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент — Бундестаг ҳамда Бундесрат (ер (вилоят)лар ижро ҳокимияти вакиллик органи бўлиб, маҳаллий ҳукумат аъзоларидан иборат) амалга оширади. Бундестагда аҳоли томонидан тўрт йил муддатга сайланадиган 709 депутат фаолият олиб боради. Бундесрат эса маҳаллий ҳукуматлар ўз орасидан тўрт йил муддатга тайинлайдиган 69 вакилдан иборат. Ижро ҳокимиятини Федерал канцлер бошчилигидаги Федерал ҳукумат амалга оширади. Президент таклиф этган номзод Бундестагда кўпчилик овоз билан Федерал канцлер этиб сайланади. Вазирлар Федерал канцлернинг таклифи билан Президент томонидан тайинланади.

Мамлакат Конституциясига мувофиқ парламент қонунларни қабул қилиш, халқаро шартномаларни ратификация қилиш, Федерал канцлер ва судьяларни сайлаш, Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини назорат қилиш, давлат бюджетини тасдиқлаш каби ваколатларга эга.

Бундестагнинг илк мажлиси сайловдан 30 кун ўтиб ўтказилади. Қуйи палата раиси депутатлар таркибининг учдан бир қисми, Президент ёки Федерал канцлер талаби билан мажлисни олдинроқ чақириши ҳам мумкин. Бундестаг фаолиятини парламент томонидан сайланадиган президиум бошқаради. У раис ва унинг ўринбосарларидан иборат бўлади. Бундестагда партия фракциялари тузилади. Фракция раҳбарлари доимий комиссияларни тузиш ва уларнинг раисларини тайинлашда иштирок этади. Депутатлар дахлсизлик ҳуқуқига эга. Улар қуйи палата розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, қамоққа олиниши мумкин эмас.



Бундестаг мажлислари очиқ-ошкора тарзда ўтказилади. Унинг аъзолари ўндан бир қисми ёки Федерал ҳукуматнинг учдан икки қисми талаби билан ёпиқ мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин. Бундестаг ва унинг қўмиталари ҳукуматнинг исталган аъзосини ўз мажлисида иштирок этишини талаб қилиши мумкин.

Бундесрат ўз раисини бир йилга сайлайди. Унинг мажлиси очиқ-ошкора ўтказилади. Бироқ муайян вазиятларда ёпиқ мажлислар ҳам ўтказилиши мумкин. Бундесратда ҳар бир ердан қанча вакил фаолият юритиши уларнинг аҳолиси сонига боғлиқ. Ушбу палатада 16 та қўмита доимий асосда фаолият юритади.

Қонун лойиҳалари Бундестагга депутатлар, Бундесрат ёки ҳукумат аъзолари томонидан киритилади. Парламентда қонун ижодкорлиги жараёни анъанавий услубда амалга оширилади: қонун лойиҳаси аввал Бундестагга киритилади. Бу ерда тегишли қўмита муҳокамасидан ўтказилиб, қабул қилингач, палата ялпи мажлиси муҳокамасига қўйилади. Бундестагда қабул қилинган қонун лойиҳаси Бундесратга юборилади. Юқори палата тасдиқлаган қонун лойиҳаси қабул қилинади ва кучга киради. Борди-ю, Бундесрат лойиҳага ўзгартиш киритса, у ҳолда келишув комиссияси тузилади. Бундестаг баъзи ҳолатларда Бундесрат рад этган қонун лойиҳасини депутатларнинг учдан икки қисмининг овозисиз ҳам қайта қабул қилиши мумкин.

Депутатлар умумий, тўғридан-тўғри, эркин ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида тўрт йил муддатга сайланади. Мамлакат Президенти сайлов кунини белгилайди. У одатда якшанба куни ўтказилади. Бундестаг аъзолари аралаш сайлов тизими асосида сайланади. Уларнинг ярми бир мандатли сайлов округларида мажоритар сайлов тизими воситасида, қолган ярми эса пропорционал тизим асосида — кўп мандатли сайлов округларида федерал ерларнинг партия рўйхати воситасида сайланади. Сайлов муносабати билан мамлакатда 299 бир мандатли округ тузилади. Уларнинг ҳар биридан бир депутат сайланади. Партия рўйхатига овоз бериш эса 16 кўп мандатли округда амалга оширилади. Ҳар бир федерал ер (вилоят)да битта ана шундай округ тузилади. Федерал ерларнинг ҳар биридан қанча депутат сайланиши ҳам уларнинг аҳолиси сонига боғлиқ. Сайловда партиялар рўйхати асосида сайловчиларнинг камида беш фоиз овозини олган ёки бир мандатли округларда ўз вакилларининг камида уч нафарининг сайланишига эришган сиёсий партияга парламентдан жой ажратилади.

18 ёшга тўлган мамлакат фуқароси овоз бериш ҳуқуқига эга. Ҳар бир сайловчи икки маротаба овоз беради. Фуқаро аввалига бир мандатли округдан қўйилган номзодлардан бирига, кейин эса партиялар рўйхатига овоз беради. Сиёсий партиялар ҳамда фуқаролар Бундестагга номзодларни илгари суриш ҳуқуқига эга. Ҳар бир номзод битта сайлов округидан ёки федерал ерлардан бирининг партия рўйхатида ўз номзодини илгари суриши мумкин.

Шу йилнинг 24 сентябрида Германияда парламент сайлови ўтказилди. Унда жами 42 сиёсий партия иштирок этди. Сайловда мамлакат Федерал канцлери Ангела Меркель бошчилигидаги Германиянинг Христиан-демократик иттифоқи/Христиан-социал иттифоқи (ХДИ/ХСИ) партиялари альянси сайловчиларнинг 33 фоиз овози (246 мандат)ни қўлга киритиб, ғалаба қозонди. Бироқ бу уларнинг 1949 йилдан буён ўтказилган сайловлар орасида энг ёмон кўрсаткичи бўлди, дейиш мумкин. Партия 2013 йилга қараганда деярли тўққиз фоиз кам овоз тўплади. Мартин Шульц бошчилигидаги Социал-демократик партия 20,5 фоиз овоз (153 мандат), "Германия учун муқобил" партияси эса 12,6 фоиз овоз (94 мандат) тўплаб, мос равишда иккинчи ва учинчи ўринни эгаллади. Шунингдек, яна 3 та сиёсий партия — Озод демократик партия (10,7 фоиз овоз), "Сўллар" (9,2 фоиз) ва "Яшиллар" (8,9 фоиз) партиялари Бундестагга кириш учун зарур бўлган 5 фоизлик бўсағадан ўтиб, парламентдан ўрин олди.

Германиянинг Христиан-демократик иттифоқи/Христиан-социал иттифоқи (ХДИ/ХСИ) партиялари альянсининг сайловда ғалаба қозонишида ушбу сиёсий кучнинг сайловолди дастури муҳим роль ўйнади, дейиш мумкин. Ушбу альянс сайловолди ташвиқоти пайтида мамлакатда ишсизлик даражасини 3 фоизга камайтириш, илм-фан соҳасига ажратиладиган сарф-харажатлар миқдорини 3,5 фоизга ошириш каби мақсад-вазифаларни кўтариб чиқди. Шунингдек, партиялар альянси иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш, даромад солиғини 15 миллиард еврогача тушириш, болали оилаларга ҳар ой ажратиладиган хайрия маблағларини 25 еврога ошириш, 2020 йилгача болалар боғчалари учун 1,1 миллиард евро ажратиш каби ташаббусларни ҳам илгари сурди.


Бу йилги сайловда Социал-демократик партиянинг иккинчи ўринни қўлга киритишидан кўра, "Германия учун муқобил" партиясининг учинчи ўринни банд этгани кўпчиликни ажаблантирди. Зеро, бу йилги сиёсий синов ушбу партиянинг нуфузи сезиларли ошганидан далолат берди. Консерватив йўналишдаги мазкур партия 2013 йилнинг 6 февралида ташкил этилган бўлиб, ўша йили ўтказилган парламент сайловида 4,7 фоиз овоз тўплаб, номзодларининг парламент депутатлигига сайланишига эриша олмади. Шунга қарамай, сиёсатчилар бу натижа янги ташкил топган партия учун ёмон кўрсаткич бўлмаганини эътироф этди. Бу йилги сайловолди жараёнларида ўтказилган сўнгги сўровномадан сайловчиларнинг 8-12 фоизи ушбу партияни қўллаб-қувватлаши олдиндан маълум бўлганди. Ушбу сиёсий партия бу сафар нафақат беш фоизлик довондан ўта олди, балки қўлга киритилган депутатлик ўринлари бўйича парламентда учинчи сиёсий партияга айланди.

"Германия учун муқобил" партияси Германиянинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлишига эришиш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш учун полиция ва адвокатура хизматлари учун харажатларни ошириш, ноқонуний муҳожирларга нисбатан чора кўриш, миллий қадрият ва анъаналарни сақлашга кўмаклашиш каби мақсад-вазифаларни илгари суради. Бундан ташқари, мазкур партия евро валютасидан воз кечиш, унинг ўрнига аввалги миллий валюта — марка ёки бошқа янги пул бирлигига ўтиш, агар Бундестаг бу таклифни рад этган тақдирда мамлакатнинг Евроҳудуддан чиқиши масаласини референдумга қўйиш каби ташаббусларни илгари сурмоқда.

Рангин дунё

МИЛЛИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИ

Вашингтон шаҳридаги Миллий санъат галереяси дунёдаги машҳур маданият масканларидан бўлиб, унда ноёб экспонатлар, сара санъат асарлари сақланади. Уларнинг қарийб 1,2 мингтасини тасвирий санъат намуналари ташкил этади. Экспозициядан америкалик ҳамда европалик санъат усталари ижодига оид суратлар, ҳайкаллар, фотосуратлар, графика санъати намуналари ўрин олган.



Галереянинг ташкил топиш тарихи ўзига хос. Ўтган асрнинг 20-йилларида Эндрю Мэллон исмли америкалик ишбилармон ва коллекционер ўтмиш рассомлари ҳамда ҳайкалтарошларининг асарларини йиғишга киришади. Эрмитаж музейи сотувга қўйган экспонатларга харидор бўлади. Натижада унинг коллекцияси ноёб санъат асарлари билан бойитилади.

Мэллон вафот этганидан сўнг мамлакат парламенти коллекционер йиққан экспонатлар негизида галерея ташкил этишга қарор қилади. Шу муносабат билан галерея биносини қуришга киришилди. Унга АҚШлик меъмор Жон Рассел Поул бошчилик қилади. Галерея биноси 1941 йилда қуриб битказилган. Унинг очилиш маросими ўша йилнинг 17 мартида бўлиб, унда АҚШ Президенти Франклин Делано Рузвельт ҳам иштирок этган. Галерея жойлашган бино ўша вақтда мармардан қурилган дунёдаги энг катта иншоотга айланган. Пол Меллон, Сэмуэл Кресс, Раш Кресс, Эйлса Меллон-Брюс, Честер Дейл, Жозеф Уайденер, Лессинг Розенвальд, Эдгар Уильям, Бернис Крайслер Гарбиш сингари коллекционерлар ҳам ўзларига тегишли санъат асарларини ушбу муассасага топшириб, унинг экспозицияси бойишига ҳисса қўшган.

Галереянинг ғарбий ва шарқий иншоотлари бир-бири билан муҳташам ер ости йўли воситасида ўзаро туташтирилган. Ғарбий иншоот неоклассицизм услубида қурилган. Йирик гумбазга эга иншоот Рим шаҳридаги қадимий Пантеон ибодатхонасини эсга солади. Юқоридан қараганда эса бир-бирига уланган призмага ўхшайди.

Галереянинг шарқий биноси ўтган асрнинг 70-йилларида хитойлик меъмор Юй Мин Пэй бошчилигида бунёд этилган. Иншоотнинг очилиш маросими 1978 йилнинг 1 июлида ўтказилади. Унда мамлакатнинг ўша вақтдаги Президенти Жеймс Эрл (Жимми) Картер иштирок этади. Ноодатий лойиҳа асосида бунёд этилган иншоот 1981 йилда Америка меъморлари институтининг мукофотига сазовор бўлган.

Ғарбий иншоотда ўрта асрлардан то XIX асрга оид бўлган Европалик рассомларнинг ижод намуналари ўрин олган. Улар орасида Ян Вермеер, Рембрандт, Клод Моне, Ван Гог, Леонардо да Винчининг асарлари ҳам бор. Леонардо да Винчининг "Жиневра де Бенчи" асари музейнинг энг нодир ва ноёб экспонатларидан саналади. Бу асар 1474-1476 йилларда чизилган бўлиб, унда флоренциялик аёл тасвирланган. У Америка қитъасида сақланаётган машҳур итальян рассоми қаламига мансуб ягона асар саналади. Ўша даврнинг таниқли итальян тарихчиси Жоржо Вазари унга "энг зўр асар", деб таъриф беради. Уйғониш даврининг яна бир машҳур намояндаси



Рафаэль Санти қаламига мансуб "Мадонна Альба" асари ҳам музей экспозициясини бойитиб турибди. Венециялик мусаввир Тициан Вечеллио (1477-1576) томонидан 1555 йилда чизилган "Кўзгу қаршисидаги Венера" асари ҳам галереянинг машҳур экспонатларидан саналади.

Шарқий бинодаги галерея экспозициясидан яқин ўтмишдаги машҳур мусаввирлар — Пабло Пикассо, Анри Матисс, Жексон Поллок, Энди Уорхол, Рой Лихтенштейн, Александр Колдернинг асарлари ўрин олган.

1999 йилда галерея негизида ҳайкаллар боғи барпо этилган. Майдони 25 минг метр квадрат бўлган боғнинг ўртасида йирик фаввора жойлашган. Унинг атрофида эса Жоан Миро, Луизиа Буржуа, Эктор Гимар сингари ҳайкалтарошларнинг сара асарлари жойлаштирилган. 2014 йилда муассасага фаолиятини тўхтатган Коркоран галереясидан 1,7 минг асар олиб ўтилди. Улар орасида Делакруа, Дега, Гейнсборо, Моне, Пикассо сингари машҳур санъат усталарининг асарлари ҳам бор.

Миллий санъат галереясига ҳар йили 4 миллиондан зиёд киши ташриф буюради. Музейга кириш бепул.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.



СОАТ ИНСОН ҲАЁТИНИ САҚЛАБ ҚОЛДИ



Америкалик журналист Жейме Грин "Apple Watch" "ақлли" соати туфайли юз бериш эҳтимоли бўлган кўнгилсизликнинг олдини олди. Гап шундаки, қўл соатидаги махсус илова уни юқори пульс кўрсаткичидан огоҳлантирган ҳамда шифокорга мурожаат қилишни тавсия қилган, деб ёзади "telegraph.co.uk" сайти.

28 ёшли Грин тавсияга амал қилиб, шифохонага борди ва у ерда унга ўпка артерияси тромбоэмболияси ташхиси қўйилди. Шифокорлар беморнинг вақтида мурожаат қилгани, акс ҳолда унинг ҳаёти хавф остида қолиши мумкинлигини айтди. Даволаш курсидан кейин Грин ўзини яхши ҳис қилмоқда ва "Twitter"даги саҳифасида "Икки йил аввал харид қилган қўлимдаги қандайдир бир кичик компьютер ҳаётимни қутқариши мумкинлиги ҳақида ҳеч ҳам ўйламагандим", деб ёзган.


САЙЁРАЛАР ХАРИТАСИ ТУЗИЛДИ



"Google" компанияси ўзининг хариталар хизмати — "Maps"ни янгилади. Дастурга Қуёш тизимидаги сайёралар ва уларнинг йўлдошлари хариталари қўшилди. Бу ҳақдаги хабар "Google" блогида чоп этилди.

Фойдаланувчилар ихтиёрига Ер, Ой, Марс, Халқаро коинот станцияси ички кўринишларидан ташқари, яна 12 само жисми, жумладан, Меркурий, Венера, Плутон, Церера, Юпитер ва Сатурннинг баъзи йўлдошлари (Титан, Ио, Мимас, Энцелад, Япет ва бошқалар) хариталари тақдим қилинди. Само жисмларининг сиртларини яратишда "Cassini" зонди олган суратлар асқотди. Шунингдек, улар устида рассом Бьорн Йонссон ҳам ишлади. У бунда NASA ва Европа коинот агентлиги суратларидан фойдаланган. Маълум қилинишича, сайёралар ва йўлдошлар сиртларида уларда жойлашган объектлар номлари кўрсатилган. Объектга босилганда унинг аниқ координаталари ва номининг келиб чиқиши ҳақида билиб олиш мумкин.

АНТИҚА ҚУЛФ



Хитойнинг "Xiaomi" компанияси бармоқ излари, рақамли код, смартфон ёки оддий калит билан очиш мумкин бўлган "Loock Classic Intelligent Fingerprint Door Lock" номли "ақлли" эшик қулфини ишлаб чиқарди, дейилади "ifehacker.ru" сайтида.

Қулф одатий тутқичга эга. Унинг бир томонида бармоқ излари сканери ўрнатилган. Мўлжалга кўра, у инсон эшик очаётганида айнан бош бармоқ қўйиладиган жойга тўғри келади. Излар қулфнинг ичида шифрланган ҳолатда сақланади ҳамда уй эгаларининг бармоқ изларини хотирасида сақлайди. Муайян асбоб-ускуналар ёрдамида қулфни бузишдан ҳимоя тизими ҳам ўрнатилган.

Қулфнинг юқори қисмида эшикни код ёрдамида очиш учун рақамли сенсор блок ўрнатилган. Паролни дўстлар ва қариндошларга бериш мумкин. Шу билан бирга эшикни смартфондаги илова орқали ҳам очиш имконияти мавжуд. Бунинг учун қулфга "Bluetooth" орқали боғланиш кифоя. Фавқулодда ҳолатлар учун эса оддий калитдан ҳам фойдаланса бўлади.

Қисқа фурсатда мазкур қулфни ишлаб чиқариш учун зарур бўладиган маблағ тўпланди. Шу боис қурилма тез орада сотувга чиқарилади. Унинг нархи — 1 минг 699 юань (256,7 доллар).

Тарих тилга кирганда...

УЗУНДАРА — ҚИММАТЛИ ТАРИХИЙ МАНБА

Ўзбекистон инсоният цивилизациясининг қадимий манзилларидан бири. Юртимизнинг турли ҳудудларида олиб борилаётган археологик тадқиқотлар қадимги аждодларимизнинг турмуш тарзи ва маданиятини ўрганишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Сурхондарё вилоятида Япония, Россия, Чехия, Франция каби ўнга яқин давлат археологларининг мамлакатимиз олимлари ҳамкорлигида олиб бораётган изланишлари бунинг ёрқин далилидир.



Хусусан, Россия Фанлар академияси Археология институти олимлари маҳаллий мутахассислар ҳамкорлигида узоқ йиллар вилоят ҳудудидаги Кампиртепа, Добилқўрғон, Fозқалъа ёдгорликларида илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириб, қадимий бу юртнинг ўзига хос кўплаб қирраларини кашф этган. Бир неча йилдан буён улар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Санъатшунослик институти олимлари билан Бойсун туманидаги Сувсизтоғ чўққиларида жойлашган Узундара қалъасида қазиш-тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Мазкур топилма археологлар хулосасига кўра, ўз даврида юнонларнинг ҳарбий истеҳкоми бўлган.

Бойсун тумани Сайроб қишлоғи ҳудудидаги тоғ қоясида жойлашган ушбу археологик ёдгорликни Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Эдвард Ртвеладзе 1970 йилда топган.

— Олим ушбу иншоотни 1970 йилда аниқлаган бўлса-да, лекин уни тадқиқ этишга шошилмаган, — дейди тарих фанлари доктори, профессор Шоғўлат Шайдуллаев. — Албатта, у ўша даврдаёқ ушбу иншоотнинг фандаги ўрни ва аҳамиятини чуқур англаган. Уни тадқиқ этиш режасини тузган. Иккинчи жиҳатдан олим ўша вақтда Кампиртепа ёдгорлигида археологик тадқиқот ишлари билан ҳам банд бўлган. Яна бир жиҳати, биз археологлар ҳар бир янги топилган археологик иншоотни тадқиқ қилишнинг ўз қулай фурсати бўлади, деб ҳисоблаймиз ва уни маълум бир муддат вақт ҳукмига ташлаб қўямиз. Олим эҳтимол шуни куттандир...

Эдвард Ртвеладзе даставвал, Сайроб қишлоғи ҳудудидаги тоғ билан туташ дара ёнидан ўтганида у ердаги археологик иншоотни кўрмаган. Чунки у жой атрофи асосан тоғдан иборат, инсон эътиборини жалб этадиган бирор нарсани дарров илғаш қийин. Аммо майдонда сочилиб ётган кўплаб сопол бўлакларига кўзи тушган олим ҳушёр тортади ва бу унинг навбатдаги тадқиқотига сабаб бўлади.

Мутахассисларнинг фикрича, Сайроб қишлоғининг тоғ ён бағридаги Узундара ёдгорлиги ўтмишда Бақтрия ва Сўғдиёнани боғлаб турувчи йўл вазифасини ўтаган. Қолаверса, Узундара Бақтриянинг чегара пости сифатида ҳудудни ташқи хавф-хатардан қўриқлаб турган. Бу ердан чегара отрядлари Сувсизтоғ ва Дарбанддаги чегара ҳудудларни назорат қилган. Александр Македонский даврига оид бу ёдгорликдан топилган осори-атиқалар Эллин маданияти билан таништиришда муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Тарихий манбаларда Александр Македонский Марказий Осиёга милоддан аввалги 328-329 йилларда бостириб келганлиги қайд этилган. Археологик тадқиқотлар натижасида саркарда бу ҳудудларда ҳарбий истеҳкомлар барпо этгани илмий асосланган. Археологлар ушбу қалъа ҳам айнан ўша даврга тегишли, деган фикрни билдирмоқда.

Иншоот тўғри тўртбурчак шаклида қурилган ва асосий қурилиш хомашёси тошдан иборат бўлган. Хона деворлари, ҳатто унинг пол қисми ҳам тошдан тўғри тўртбурчак шаклида кесиб барпо этилган. Археологлар бинонинг архитектура қурилиши ҳамда у ердаги топилмаларга асосланиб, қалъа юнон бинокорлиги анъаналарига хос тарзда бунёд этилган, деган хулосага келдилар. Сайроб ва Дарбанд ҳудудида барпо этилган ушбу истеҳком ўз даврида Буюк ипак йўлининг бошланғич бўғини бўлиб, Бақтрия билан Сўғдни боғлаб турган маданият ҳалқаси ҳисобланган.

— Бой тарихий манбаларга эга мустаҳкам тош қалъа ёдгорлиги тўлиқ очиб ўрганилди, — дейди Россия Фанлар академияси Археология институти экспедицияси раҳбари, тарих фанлари номзоди Нигора Двуреченская. — Қалъа таркибига кирувчи мудофаа деворлари, тўғри тўртбурчак шаклидаги миноралар, мустаҳкам фортификация иншоотларида қазиш ишлари олиб борилди. Учта ертўлали маҳобатли қоя мажмуаси, унинг атрофидаги текис майдон, эни 9 метр бўлган мудофаа девори ва унинг ички йўлаклари, мазкур девор бўйлаб қурилган турар-жой, хўжалик хоналари, омбор ва хумхоналар ўрганилди. Чўзиқ тухум шаклида бунёд этилган қалъа қадимги Бақтрия ва Сўғд чегарасидаги мустаҳкам мудофаа қўрғони бўлган. Қўшма экспедициямиз бу ерда олиб борган қазиш-тадқиқот ишлари Бақтриянинг шимолий чегараси қадимги Амударё ўзанларидан эмас, балки Бойсун тоғларидан ўтганини яна бир марта исботлади.

Ёзма манбаларга қараганда, Александр Македонскийнинг юришларини юнон тарихчилари Квант Курций Руф ва Арриан ёзиб борган. Жумладан, Македонскийнинг Сўғд ва Бақтрияга ҳарбий юришлари, унинг қайси қишлоқда тўхтагани ҳам қайд этилган. Ушбу манбаларда саркарда томонидан босиб олинган ҳудудларда шаҳарлар барпо этилган, деган маълумотлар учрайди. Аммо кўп йиллик тадқиқотлар Македонский фатҳ этган ҳудудларда шаҳар эмас, асосан ҳарбий истеҳкомлар курганлигини кўрсатмоқда.

Тарихий ёдгорликдан қазиб олинган топилмалар Юнон-Бақтрия тарихини янада чуқур ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ёдгорликдан топилган тангалар яхши сақланганлиги боис ундаги тасвирлар яққол кўзга ташланади. Ҳудуд тупроғининг шўрланиш даражаси ва намликнинг пастлиги топилмаларнинг яхши сақланишига сабаб бўлган. Бу эса археологларга тадқиқот ишларида янада қулайлик туғдирмоқда. Тадқиқот ишлари тўлиқ якунлангач, Узундара археология ёдгорлиги фан оламини янги топилмалар билан бойитиши, юртимиз тарихига оид кўплаб янги ва қимматли маълумотлар бериши, шубҳасиз. Бинобарин, археолог ва санъатшунос олимларнинг изланишлари натижасида юзага чиқаётган ана шундай бебаҳо бойлик — мамлакатимизнинг ўтмиш тарихи, маданияти, миллий санъатига оид ноёб топилмалар қадимий юртнинг тараққиёт босқичлари ва аждодларимизнинг турмуш тарзи, бой маданияти, ҳарбий салоҳияти, Ватанга муҳаббати, халқига садоқатини янада чуқур ўрганишда бебаҳо хазина вазифасини ўтайди.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
ЎзМТДП Ангор туман кенгаши раиси

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Одам терисида ёғ безлари мавжуд. Аслида бунинг ёмон томони йўқ. Аксинча, ёғли парда терини озиқлантиради, намлантиради ва ҳимоя қилади. Бироқ тери ёғлари зичлашиб, ёғ безлари ҳужайралари йўғонлашиши билан муаммо юзага кела бошлайди. Ўшанда уларнинг йўли беркилиб, ҳуснбузар ҳосил бўлади. Агар ҳуснбузар шамолласа, терида қизил тусдаги йирик яра тошади. Энг ёмони, шамоллаш ўтиб кетиб, яра тузалган тақдирда ҳам унинг ўрнида чандиқ, чуқурча ҳосил бўлади ва ундан халос бўлиш қийин кечади.

ЮЗДАГИ ҲУСНБУЗАР — ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАР АСОРАТИ

Ҳуснбузар баъзи витаминлар, макро ва микроэлементларнинг етишмовчилиги туфайли ҳам юзага келиши мумкин. Айниқса, А, Е, С ҳамда В гуруҳи витаминлари, кальций, олтингугурт, рух, магний етишмовчилиги бунда муҳим ўрин тутади. Ҳуснбузар тошишига дисбактериоз, гастрит (ошқозон шиллиқ пардаларининг яллиғланиши) касаллиги ҳам сабаб бўлади. Шу боис касаллик фақат терини даволаш билан тузалмайди. Бунинг учун аввал ички касалликни ҳам даволаш зарур. Ҳар қандай юқумли касалликлар ҳуснбузар тошишини тезлаштиради. Тишдаги кариес касаллиги, ангина ва фарингит (томоқ шиллиқ пардасининг яллиғланиши), ошқозон оғриғи, цистит (қовуқнинг яллиғланиши) сингари касалликлар ҳуснбузарларни янада кучайтиради. Шу боис, аввало, организмдаги барча инфекция ўчоғидан халос бўлиш керак.

Ҳуснбузарларни даволаш, юздаги ёғ бўлмалари кўпайишининг олдини олиш учун қовурилган, ёғли, аччиқ таомлар, спиртли, ширин газли ичимликлар, қандолат маҳсулотларини иложи борича истеъмол қилмаган маъқул. Уларнинг ўрнига мева-сабзавот, кўкат, балиқ, бўтқалар фойдали. Касаллик пайтида сут ўрнига ҳар куни камида икки литр сув ичиш фойдали. Сабаби суюқлик организмдан заҳарли моддаларнинг чиқариб юборилишида асқотади. Бундай пайтда қаҳва ва спиртли ичимликлар ичиш ярамайди. Антиоксидантлар билан тўйинтирилгани боис кўк чой ичиш фойдали саналади. Тўғри овқатланиш ошқозон-ичак фаолиятини яхшилайди. Бироқ гормонал ўзгаришлар ёғ безлари фаоллиги муаммосига тўлиқ ечим бўла олмайди.

Касалликнинг бошланғич босқичида унинг газаклаб кетишининг олдини олиш мумкин. Бироқ енгил кечган тақдирда ҳам уч йил давом этадиган ҳуснбузар касаллиги терига зарар етказиш эҳтимоли мавжуд. Ҳуснбузар терида чуқур излар, ҳунук доғлар қолдирмаслиги учун ўзини намоён эта бошлаган пайтдан уни даволашга киришиш лозим. Бунда косметологлар ҳуснбузарни, юзда пайдо бўладиган қора нуқталарни мутахассислар назоратида бартараф этишни тавсия этади.

Касалликдан халос бўлиш учун вақтида шифокорга мурожаат қилиш, тизимли равишда даволаниш лозим. Бунинг учун эндокринолог, гастроэнтеролог, заруратга қараб эса бошқа мутахассислар кўригидан ўтиш тавсия этилади. Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб дерматолог беморга керакли муолажаларни олишни тавсия этади. Ёдда тутинг: касалликни даволашга мўлжалланган дори воситаларини шифокор кўрсатмаларисиз, мустақил равишда қабул қилиш мумкин эмас. Чунки уларни қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар мавжудлиги боис у акс таъсир килиши мумкин.

РЕКЛАМА

Qishloq Qurilish Bank

АТБ "Қишлоқ қурилиш банк" миллий валютада қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:



"Кафолат" — маблағлар 12 ойдан 24 ойгача бўлган муддатга қабул қилинади.



"Даромадли" — маблағлар 6 ойдан 12 ойгача бўлган муддатга қабул қилинади.



"Самарали" — маблағлар 3 ойдан 6 ойгача бўлган муддатга қабул қилинади.



"Рағбат" — маблағлар 1 ойдан 3 ойгача бўлган муддатга қабул қилинади.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатингиз:
✔ солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
✔ эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
✔ миқдори чекланмаган!

Мурожаат учун: (+99871) 150-72-58, 150-39-93, www.qqb.uz

"Қишлоқ қурилиш банк" — фаровон ҳаётингиз хизматида!

хизматлар лицензияланган

Тақдимот

МЎЙҚАЛАМДА БИТИЛГАН РОМАНЛАР

Ижодкорлар дунёни бошқача кўз билан кўради. Унинг нигоҳида дунё, борлиқ, меҳр-муҳаббат, эзгулик ва ёвузлик ўзгача ракурсда бўй чўзади. Шу боис ҳам мусаввир низган сурат, ёзувчи ёзган асар, ҳайкалтарош ясаган монумент, гарчи бир маъно уйғунлигида бирлашса-да, ундаги восита, тасвир усули бир-биридан тамоман фарқ қилади.

Замонавий ўзбек тасвирий санъатида янги ифода услублари устида қатъий изланиш олиб бораётган Ўзбекистон халқ рассоми Алишер Мирзо ижодининг серқирралиги шундаки, ижодкор ўз кечинмаларини сўз билан ҳам ифодаламоқда. Унинг адабиёт соҳасида маҳорат билан ижод қилаётгани кўпчилик учун кутилмаган воқеа бўлмоқда.

"Китоб олами" маънавий-маърифий савдо мажмуасида муаллифнинг 2015 йили Ёзувчилар уюшмаси наср кенгаши йиллик муҳокамасида "Йилнинг энг яхши романи" мукофотига сазовор бўлган "Каллаҳоналик йигитча" ва унинг мантиқий давоми бўлмиш "Мусаввир" романлари тақдимоти бўлиб ўтди. Унда адабиётшунослар, ёзувчи-шоирлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Асар қўлёзмасини ўқиганимда, роман ўзбек адабиётида янгилик бўлишига ишонгандим, — дейди таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад. — Романни ҳақиқий маънода мўйқаламда ёзилган асар, дейиш мумкин. Рассом ва ёзувчи нигоҳи уйғунлигида воқеа, ҳолат ва қаҳрамонлар ички олами жуда чиройли бўёқларда тасвирланган. Рассомчиликда илмий-фалсафий мушоҳадалар улуғворлиги билан донг қозонган Алишер Мирзонинг бадиий адабиётдаги илк изланишлари ўта муваффақиятли чиққан.

Рассомнинг ёзувчи сифатидаги яна бир ўзига хос хусусияти унинг бадиий образ, ҳолат, воқеалар тасвирида халқ ичида кенг тарқалган, аммо шу кунларда кам ишлатилаётган айрим сўз, ибораларни усталик билан ўз ўрнида қўллашидир. Гап-сўзларнинг кулгили жиҳатлари фақат ҳолат, кайфият тасвиридагина эмас, балки қаҳрамонлар ва муаллиф сўзларининг табиий-миллий жарангида ҳам яққол сезилади. Романларда воқеа, сюжет, ҳолатлар енгил, аммо ўткир юмор нури билан бойитилади.

Каллаҳоналик йигитчанинг рассом сифатида шаклланиши ва у кечирган ҳаётий, ижодий манзаралар, тараққиёт машаққатлари ёзувчининг "Мусаввир" романида давом эттирилади ва ўқувчида катта иштиёқ уйғотади. Яқин кунларда романнинг мантиқий давоми бўлмиш "Зиёлилар базми" асари ҳам нашр этилиши кутилмоқда.

Исломжон ҚЎЧҚОРОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

БИЛАСИЗМИ?

● 1878 йилгача футбол ҳакамлари ўйинни бошқаришда ҳуштакдан эмас, балки қўнғироқчадан фойдаланган. 1878 йилнинг 10 июлида Лондон шаҳрида ўтказилган ўйинлардан бирига ҳакамлик қилиш полиция ходимига ишониб топширилади. Ўйин пайтида келишмовчилик юз берган пайтда полициячи ҳуштагини чалиши биланоқ ўйинчилар жанжални тезда тўхтатади. Ҳуштак шундан сўнг футболга кириб келган.

ТУРФА ОЛАМ

МИСРДА ҚАДИМИЙ ПИРАМИДИОН ТОПИЛДИ



Швейцариялик ҳамда франциялик қадимшунослар Саккарадаги "эҳромлар водийси"да қадимги подшоҳликнинг сўнгги фиръавнларидан бири Пепи II онасининг даҳмасини безаган пирамидионни топди. Бу ҳақда "ria.ru" хабар тарқатган.

— Биз бу тошни фиръавн Пепи I эҳромидан шимолда, унинг турмуш ўртоғи (қадимги Миср ҳукмдорларининг олтинчи сулоласи вакили Пепи IIнинг онаси) малика Анхнеспепи II эҳроми бўлиши тахмин қилинган жойдан топдик, — дейди қазилма ишлари раҳбари Филипп Колломбер. — Шу пайттача бизда бундай пирамидионни топишдан дарак берувчи ҳеч қандай аломат йўқ эди.

Пирамидионнинг баландлиги — 1,3, узунлиги — 1,1 метр. Тошнинг юқори қисми бузилган, бироқ асоси ва қуйи қисми яхши сақланган.

Маълумот учун, Мисрда барпо этилган деярли барча эҳром чўққиси олтин ва бошқа қимматбаҳо металлар билан қопланган махсус тош — пирамидион билан безатилган. Шу боис эҳромлар ўнлаб километр узоқликдан кўриниб турган.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Феруза МУҲАММАДЖОНОВА, Амриддин БЕРДИМУРОДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Алишер ҚОДИРОВ, Ортиқали ҚОЗОҚОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Беҳзод НОРБОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1016, Адади — 5055. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Муҳтарама КОМИЛОВА
Навбатчи: Исломжон ҚЎЧҚОРОВ
Саҳифаловчи: Жалолиддин ЎРИНОВ
Электрон почта: e-mail: gazeta@mt.uz, mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
ЎзА якуни — 22.53. Топширилди — 23.15.

ISSN 2010-7714
1 2 3 4 5